



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2024-yil
20-mart
chorshanba
№ 12 (1387)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqq boshlagan * www.uzhurriyat.uz * @ gazhurriyat@mail.ru * t.me/hurriyatuz * Hurriyat gazetasi

ШУКУХ

НАВРЎЗ — ТАБИАТНИНГ ЭНГ СОФ БАЙРАМИ

Наврўз – баҳор ва табиат уйғонишининг тимсоли. Шарқона янги йил айнан шу санадан бошлангани бежиз эмас.

Наврўз бизни атроф мамлакатлар халқлари билан тарихий бирлигимизни ҳам намоён этади. У икки маънога кўра халқаро байрамлар сирасига киради. Биринчидан, у тўрт минг йилдан буён Марказий Осиё, Эрон, Афғонистон, Кавказорти ва шу улкан ҳудудлардаги бошқа халқларнинг баҳорни қарши олиш байрами сифатида нишонлаб келинган. Иккинчидан, 2009 йили Наврўз ЮНЕСКОнинг Инсоний номоддий маданий мероси рўйхатидан жой олган эди. 2010 йили эса БМТ Бош Ассамблеясининг 64-сессиясида “Наврўз халқаро кунин” деган резолюция қабул қилинди.



2013 йили Ўзбекистон Республикасининг БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхонаси ташаббуси билан БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Наврўз байрами тантанали равишда нишонланди. Бу расмий маросимда БМТ Бош котиби Пан Ги Мун, Бош Ассамблеянинг жорий 67-сессияси Раиси вазифасини бажарувчиси З.Танин, ЮНЕСКОнинг Нью-Йоркдаги вакили Ф.Криделка ҳамда БМТга

аъзо давлатлар делегацияларининг раҳбарлари иштирок этди. Шу тариқа Наврўзимиз жаҳоний миқёсда касб эта бошлади. Унинг нуфузли халқаро ташкилотларда нишонланиши шундай дейишимизга тўла асос беради. Миллий меросимизда халқимиз Наврўзга йилнинг энг яхши кунини сифатида қараш шаклланиши гувоҳ бўлади. Алишер Навоий бир ғазалида:

Хар тунунг Қадр ўлубон,
хар кунунг ўлсин Наврўз! –

дейди. Бунда тунларнинг энг аълоси Лайлат ул-қадр, кунларнинг энг мўтабари Наврўз экани қайд этилган. Рамазон ойининг 26-кунидан 27-кунига ўтар кеча Лайлат ул-қадр кечаси бўлади.

2-6

ШУКРОНА

Аъзам ЎКТАМ

РАМАЗОН

Йилнинг бошга қўнган ҳумоий,
Мўъжизага, фусунга бойи.

Хуш келибсиз, марҳабо, дермиз,
Тасбех ойи, таровех ойи.

Ўрганамиз тиймоққа нафсни,
Итқитамиз орадан наҳсни.

Кечиргаймиз, узрлар сўраб
Бас қиламиз беҳуда баҳсни.

Қўлимдадир илоҳий Китоб,
Унда шундоқ этилмиш хитоб:

“Ушбу ойда неки қилсангиз,
Аллоҳ Ўзи айлағай ҳисоб”.

Ўлдирса ҳам, лаззат берар ўқ,
Талпинади кўкка – кўнгил тўқ.

Раббим беҳад меҳрибон, аммо
Қадр туни ўзга ойда йўқ.

Фаришталар самодан тушар,
Биз беҳиштни кўрамиз тушлар.

“Алвидо, деб қолурмиз наҳот?!”
Ҳозирданоқ қалбим увишар.

Ўн бир ойга одил хоқоним,
Нозил бўлмиш сизда Қуръоним.

Инсон бўлиб яшайлик, бизни
Йўлга бошланг, йўлга, султоним.

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ, ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ

ДИҚҚАТИГА!

БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ҲАМ ЧЕГАРАСИ БОР!

Тилимиздаги ҳар жиҳатдан энг чиройли сўзлардан бири “бағрикенглик”ни кўпинча диний атама сифатида қўллаймиз. Яъни, турли дин вакиллари билан ёнма-ён ўзаро аҳилликда, бир-бирларининг эътиқоди, урф-одатлари, маросимларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни тушунамиз, ифодалаймиз. Лекин бу сўз маъно-моҳиятига кўра кўп ўринларда қўллашга мос. Айтайлик, кўни-кўшничилик, қариндош-уруғлар муносабатларида, одамларнинг оиладаги ва ҳар кунги йўл-йўлақай муносабатларида, меҳмону мезбонликда бағрикенглик. Бағрикенглик — ажойиб фазилат. Аммо унинг ҳам чегараси, меъёри бўлиши керак, акс ҳолда...

Рухиятшунослар илмий изланишлари ҳулосасига кўра, ёш боланинг хоҳиш-талабларини бағрикенглик билан беистисно бажаравериш оқибатида у бора-бора дангаса, инжиқ, айтганини қилдирадиган, сўзи ўтмас аразлайдиган, доимо диққат марказида туришни истайдиган бўлиб қоларкан; ҳуллас, фарзандни ҳаддан ортиқ папалайвериш унда худбинлик аломатларининг шаклланиши ва ривожланишига олиб келаркан... Бир қадрдоним ўзларига девор-дармиён ҳовлини сотиб олган янги қўшниларига шунақа бағрикенглик билан меҳр-оқибат кўрсатдики, оқибатда янги келганлар икки хонадон ўртасидаги бир умр одамлар ўтиб-ке-

тиб юрган йўлакниям ўз ҳовли-сига қўшиб олганда, нима дейишни билмай оғзи очилиб қолди. Бунга мисоллар кўп. Шунинг учун улуглар азал-азалдан муборак ҳадиси шарифларга асосланиб: “Ҳамма нарсанинг энг яхши меъёри ўртачалиқдир”, — дейдилар. Асосий мақсадга ўтишдан олдин ганни айланттиришим сабаби... ижтимоий тармоқда Бахтиёр исмли тарихчи йигит икки қизни ёнига олиб, ҳозирги ўзбек қизлари қанақа-ю, қандай бўлиши кераклиги ҳақида бетларига “чарм қоплаб” гаплашганлари ҳақида эшитганимда, аввалига “Ёмондан ҳазар” дегандек, уни батафсил билгим ҳам, кўргим ҳам келмади. Бу

ҳақида ёзмоқчи ҳам эмасдим. Лекин ўша тарих ўқитувчисига жамоатчилик билдирган фикрлар билан таниганим сайин, қолаверса, йигитнинг гаплари жамиятимиз қон томирларига заҳар, йирингдек кириб бораркан, ёш ва тажрибасиз қизлару аёллар орасида унинг тарбия-ботларини “Бизга шундай тарбия беришган-да”, “Бу қизлар гўё боқиралик юкни кўтариб юради”, деб қабул қиладиганлар, чала-ярим тасдиқлайдиганлар ҳам борлиги, улар ора-мизда экани хаёлимдан кетмай қолди. Асрлардан асрларга ўзбек жамиятининг бўлғувчи она-либ: “Ҳамма нарсанинг энг яхши меъёри ўртачалиқдир”, — дейдилар. Асосий мақсадга ўтишдан олдин ганни айланттиришим сабаби... ижтимоий тармоқда Бахтиёр исмли тарихчи йигит икки қизни ёнига олиб, ҳозирги ўзбек қизлари қанақа-ю, қандай бўлиши кераклиги ҳақида бетларига “чарм қоплаб” гаплашганлари ҳақида эшитганимда, аввалига “Ёмондан ҳазар” дегандек, уни батафсил билгим ҳам, кўргим ҳам келмади. Бу

8-6

НУҚТАИ НАЗАР

УЛУҒЛИК ЙЎЛИ

ёки буюк иқтидорларнинг дунёга келишига оид фалсафий мушоҳадалар

Даҳоликни ирқий, ирсий омиллар билан боғлаш одати қадимдан мавжуд. Тадқиқотчилар негизда ушбу мавзунинг чуқурроқ ўрганишга журъат этолмаганлар. Тўғри, француз социологи ва элшуниси Г.Лебон халқларни ибтидоий ирқ — қуйи, ўрта ва олий ирқларга бўлиб, фақат олий ирққа мансуб ҳинд-европаликлар буюк кашфиётларга қодир, деган нотўғри фикрни илгари сурган. Аслида дунё тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган буюкларнинг кўпини Шарқ етиштириб берди. Яна исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат шундаки, буюк Турон замини юзлаб донишмандларга бешик бўлди. Демак, дунёда ҳеч бир миллатда бизнинг халқимиздан етишганчалик даҳолар туғилмади. Албатта, ҳеч бир халқни камситмаган ҳолда яна шунини айтиш мумкинки, улуг иқтидорлар, буюк шахслар дунёга келишининг ўзи улкан мўъжиза, биз биллиб-билмайдиган синаотларга ҳам боғлиқ бўлиши мумкин экан. Бу ҳақида, айниқса, улуг мунажжим Мирзо Улуғбек бобомиз узининг “Илми нуҷум” асарига бетақдор фикрларни ўртага ташлаган. Афсуски, ҳанузгача ана шу асар ҳақида ҳам тўлақонли таҳлилий ва талқиний тадқиқотлар олиб борилмаган.

Жаҳонга машҳур кўплаб муаллифлар ёзган манбаларга, биткиларга асосланган фикрларга кўра, улуг ва буюк ватандошларимиз — Беруний, Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий каби донишмандларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш — даҳолик масаласига кўп ойдинликлар кириштири мумкин. Шунинг учун ҳам италиялик машҳур олим Чезаре Ломброзининг яхудиюлардан кўп “дахо шахслар” чиққани, “ирсият уларга беҳад катта таъсир кўрсатгани” ҳақидаги ҳулосаларига қўшилиш қийин. Шунингдек, унинг 100 ҳодисадан 85, ҳатто 88 тасида ирсият ҳал қилувчи омил ҳисобланади, деган фикрлари ҳамон баҳслидир. Ҳеч қачон даҳолар ҳақида гап кетганда, битта миллат ургу-

ланмаслиги керак! Худо ёрлақан даҳо шахслар, толерантлик — кўп миллатлик ва элатлар чекига тушади. Тўғри, айрим авлодлар (Моцарт, Бах, Веронези, Каррарчи, Тициан, Дарвин, Эйлер, Гук, Дюма ва бошқалар) да истеъдод наслдан-наслга ўтгани кузатилади. Лекин бу дегани мутлоқ қонуният дегани ҳам эмасдир. Шахс хулқининг маънавияти таъсирида тақомиллашиб (яъни табиий ҳислатлари қусурдан фазилатга айланиб) борган сари — унинг ахлоқи замима ахлоқдан (инсонни худбинлик сари тортувчи тарбия кўрмаган хулдан) ҳаммида ахлоққа (маънавий қалолот натижасида гўзаллашган хулққа) айланиб бораверади.

3-6

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!



“ОЛТИН ҚАЛАМ” XVIII МИЛЛИЙ МУКОФОТИ УЧУН ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, Янги Ўзбекистон руҳига мос янги тафаккур тарзини шакллантириш, миллий контентни бойитиш, юртимизда инсон қадрини улуглаш, одамларнинг онгу тафаккурини юксалтириш, жамиятимизда очкилик ва ошқоралик муҳитини мустаҳкамлаш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий-таҳлилий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янги ёндашувларни рағбатлантириш мақсадида “Олтин қалам” XVIII Миллий мукофоти учун халқаро танловни эълон қилади.

АСОСИЙ МУКОФОТЛАР

1 та – БОШ МИЛЛИЙ МУКОФОТ

Телевидение йўналиши бўйича
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар);

Радио йўналиши бўйича
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар);

4-6

1-6. Ўша кеча Аллоҳ таоло Куръони каримни яратган, деб қаралади. Кейин у 23 йил мобайнида Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.) га нозил қилиб турилган.

2024 йилнинг бир шарофати шундан иборатки, Наврўз муқаддас Рамазон ойида нишонланмоқда. Кўп ўтмай эса Лайлат ул-қадр кечасини кутиб оламиз. Бу йилнинг энг муқаддас кунига ҳам, энг муқаддас тунига ҳам бир-бирига яқин кунлар орасида гувоҳ бўламиз. Яратганнинг инояти-да бу ҳам!

Шундай фарахли кунларда мудҳиш тарихимизни унуттишга ҳеч ҳаққимиз йўқ.

Мустабиллик тузуми камситган қадриятларимизнинг дастлаб қайта тикланганларидан бири ҳам – айнан Наврўз.

1990 йилнинг баҳорида юртимизда Наврўз “қатагон”дан қутултирилиб, Ўзбекистонимизда кенг ва ошкор байрам қилинди. Холбуки, ундан уч-тўрт йил аввал бу байрамга қарши кураш борган, ҳатто айрим зиёлиларимиз матбуотда чиқиш қилиб, унинг ўрнига март ойининг охирида “Навбахор” деган янги байрам жорий этиш таклифини ҳам билдирган эди. Бундан ҳар қанча кўз юммайлик, тарих тарихлигича қолади, ўша пайтдаги матбуот нашрлари архивларимизда турибди.

Жорий этилиши ва моҳиятига кўра, Наврўзнинг сиёсатга, мафкурага, динга бевосита апокаси йўқ эди. У – соф табиат байрами. Шу билан бирга, у – шарқона, минтақавий, ўта миллий байрам. Айнан ана шу – миллий бўлгани учун ҳам эски тузум ва унинг ҳужумрон мафкуриси уни чеклади. Чунки у сиёсат мустахлак миллиятларнинг эркин раванқ топишини сира-сира истамас эди. Наврўзга ҳужум моҳиятан миллиятга ҳужум эди. Шундай даврлар ҳам бўлдики, динга қарши кураш байроғи остида билиб-билмай Наврўзда халқ ширирган сумалагу ҳалим қозонларини тунтариб ташлаган раҳбарлар ҳам топилди.

Бироқ халқ – халқ-да. У собиқ тузум даврида ҳам Наврўзни байрам қилаверди. Фақат энди бу давлат миқёсида қўллаб-қувватланмади, ҳар ким уни ўз-ўзича, тазийқ бўлган маҳалларда, ҳатто, яширинча нишонлади.

Бугун шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, кўп минг йиллик ўтмиши давомида у юртимизда ҳеч қачон ҳозирги даражада кенг миқёсда умумхалқ байрами сифатида нишонланган эмас.

Мустақиллик йилларида Эрон киночилари “Ўзбекистонда Наврўз” деган ҳужжатли фильм суратга олишди. Ундан кўп зиёлиларимизнинг чиқишлари ҳам ўрин олган. Бу кино қадимий маданий ришталар бизни чамбарчас боғлаб турган Эрон халқининг ҳайратига сабаб бўлди. Чунки шўро йилларида биз бир-биримиздан узилиб яшадик-да. Шу асар кўрик-танловда олтин медаль билан тақдирланди.

Наврўзнинг байрам қилиниши инсонни борлиқ олам билан уйғун бўлиб яшашига ундайди. Ҳар ким ўз юртининг табиатига меҳр кўяди. Она замин табиатига меҳр эса Ватанга муҳаббатни янада мустаҳкамлайди. Набототнинг уйғониши, янги йилнинг киришини бунчалар татана билан нишонлаш, албатта, киши кайфия-

НАВРЎЗ — ТАБИАТНИНГ ЭНГ СОФ БАЙРАМИ



тини кўтариб юборди.

Кўтаринки кайфият одамнинг яшашга иштиёқини, завқини оширади, ҳаётга муносабатини фаоллаштиради, ундаги яратувчилик ишқини жўш урдиради.

Наврўзни, ана шундай қудратга эга байрам, деб биламиз.

Бу тўрт нуқта орасида Наврўзнинг эътибори баланд эканига яна бир сабаб шуки, йил ҳисоби ҳам айнан Наврўздан бошланган. 21 март – янги йилнинг биринчи кунини ҳисобланган. Халқ Наврўзнинг қандай келиши амалда йилнинг қандай келишини белгилаб беради, деб ишонган. Буюк Навоий элимизнинг бу эътиқодини “Садди Искандарий” достонидаги:

*Улус чеҳрайи оламафрўзидин,
Билур йил келишини Наврўзидин, –*
сатрларида янада ёрқин ифодалаган.

Айтмоқчи, бизда қадимда баҳор фаслининг кириб келиши ҳам 1 мартдан эмас, 21 мартдан ҳисоб қилинган. Демак, Наврўз – фақат йилнинггина эмас, баҳорнинг ҳам бошланishi.

Аждодларимиз, жумладан, мумтоз шоирларимиз Наврўзда табиатнинг ўзгаришидан, оламнинг тамом тағйир топишидан, майсаларнинг кўкариб, дарахтларнинг гуллашидан, кун билан туннинг баробар келишидан сиз билан биздан кўра кўпроқ таъсирланган, ҳайратга тушган, шукроналар қилган. Улар табиатга биздан кўра яқинроқ бўлиб яшаган.

Меросимизда Наврўз билан боғлиқ биз билмаган қизиқ-қизиқ жиҳатлар ҳам кўп.

Аждодларимиз одоб қоидаларига ҳадди аълосида амал қилиб келган. Севишганлар, эл-улусдан уялгандан, ана шу Наврўз сайилларида – ҳамма байрам қилиб, сайрга чиққа-

нидан фойдаланибгина бир-бирлари билан дийдор кўришган. Навоий бир ғазалида у ёрга мурожаат қилар экан: “Кўчанга ҳар кун бориб, ҳар кун сени кўрай дейман, (шунинг учун) менга ҳар кун байраму ҳар лаҳза бир Наврўз керак”, – дейди:

*Кўюнга ҳар кун бориб,
ҳар дам кўрай дерман сени,
Менга ҳар кун байраму ҳар лаҳза*

Наврўзе керак.

Дарвоқе, шоир Лайли билан Мажнунни ҳам айнан ана шу Наврўз сайлида учраштиради. Чунки “Лайли ва Мажнун”нинг 12-боби Наврўз муносабати билан сайри боғ этганда Мажнун билан Лайлининг хуфиёна учрашуви, бунда Лайли ишқидан Мажнуннинг хушдан кетмаги, бу гагдан эл хабар топмасин, деб Лайлининг Мажнунни икки канизига қолдириб, қабила сари юрмаги ҳақида ҳикоя қилинади. Боб шундай бошланади:

*Меҳр устади чун ҳамал фароғи,
Дашт узра бутар кўзи қулоғи.*

Демак, Кўёш ҳамал буржида фароғат қилиши истаганда, яъни Наврўз дашт узра кириб келганда кўзи қулоғи униб чиққандек бўлар экан. Кўзи қулоғи – барги қўзининг қулоғига ўхшаган усимлик.

Наврўз айёмидеги табиат тасвири чизилган парчалар ичиде:

*Тун-кунни қилур бинафш сизгон,
Кофур ила мушқдин соқизгон, –*

деган мисралар бор. Шу биргина байт бадий баркамоллигига қойил қолмай илож йўқ. “Бинафш”, яъни бинафша – осмон рангида очиладиган гул. “Сизгон” – чизган дегани. Хўш, “бинафша чизган” деганда шоир кимни кўзда тутган? Албатта, бу дунёни тузган Эгамни. Чунки “бинафш” бу ерда кенг оламини – кўкни англатиб келган истиора. Демак, ана шу кўм-кўк осмоннинг суратини чизган “рассом” тун билан кунни кофур билан мушқдан зағизгон, яъни зағча қилади. Зағчани билмаиз: ҳамма ёғи оқу қора куш. “Кофур” – камфара дегани. У Шарқ мумтоз адабиётида оқ рангнинг рамзи бўлиб келади. Мушқ эса – кийикнинг кинди-гида тўпланадиган қоп-қора рангли хушбўй модда. Ўтмиш шеърятимизда, жумладан, у қора рангнинг рамзи ҳам бўлиб келган. Шоир фалакни бинафшага ўхшатишдан ташқари, Наврўздаги эътидога, яъни тун билан куннинг тенг келишини оқу қора ранглари аралаш зағизгонга қиёс этади.

Навоий шунчаки табиат гўзаллигига маҳлиёллигини баён айлашга берилиб кетмайти. Ўша тасвирлар замирида аниқ мақсад ётади,

яъни бобда баён қилинажак воқеаларга ишоралар бор:

*Ҳар қушқина жуфти бирла пуржўш,
Ҳамлар бўлур учса, қўнса – ҳамдўш.*

Яъни, ҳар бир қуш Наврўз келганидан кейин ўз жуфти билан жўш уради, учса – қанотларини бир-бириникига теккизиб учади, қўнса – тўшма-тўш, яъни кўрақларини кўрақларига теккизиб ўтиради. Нозикфаҳм шеърхон олдиндан ҳис қиладики, бу бобда Лайли билан Мажнун дийдор кўришса керак. Айтмоқчи, Наврўзда халқ ғаму ҳасратини кўнгилдан қувиб, саҳроларга, боғу бўстонларга сайрга чиқади.

Шу тасвирлардан ҳам англашилиб турибдики, ўтмиш замонларда ҳам Наврўзни халқимиз сайил қилиб ўтказган.

Истиклол йилларида Наврўз халқимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Бу байрам тарихда мисли қўрилмаган миқёс ва моҳият касб этди.

Аввало, у миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизни қайта тиклаш ва такомиллаштириш имконини беради. Байрам шарофати билан кишилар ўртасида меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат, дўстлик, биродарлик, ҳамкорлик, бирдамлик, саховат, мурувват, ҳашар ва бошқа фазилатлар янада кенгроқ тарғиб этилиб, уларга амал қилиш имконияти кучайди. Наврўзда маҳалла-кўй, боғ-роғ, ишхоналар, ҳаттоки мазорлар тозаланади, ободонлаштириш ишлари бажарилади.

Қолаверса, Наврўз амалда мамлакатимиздаги барча миллат ва элатларнинг бирдай байрамга, турли ирқ, дин, миллат вакилларининг бирдамлиги тантанасига айланади.

Бундан ташқари, Наврўзни умумхалқ байрами сифатида кенг миқёсда нишонлаш орқали биз – катталар фарзандларимизга азалий қадриятларимизни сингдиришимиз. Байрам кунлари кам таъминланган оилалар аъзолари, муҳтож, кекса, ногирон кимсалар ҳолидан хабар олинади, уларга ҳиммат кўли чўзилади. Ўзро гапи қочиб қолган кишилар ҳам Наврўз баҳона ярашиб олади.

Наврўздан мамлакатимиз далаларида иш қайнайдими. Бободоҳқону боғбонларимиз яхши ниятлар билан уруғ сепади, ниҳол экади. Муқаддас динимизда: “Ҳамма нарса ниятга боғлиқ”, – деган қатъий ақида мавжуд. Ниятларимиз ижобат бўлсин!

Дунё – нотинч, ғоявий-мафкуравий кураш, бир лаҳза бўлсин, тўхтамаётган бир маҳалда дилдан кечган яна бир фикрни ҳам айтмасак, бўлмас.

Ёт ғоялар, айтайлик, халқаро терроризм, диний экстремизм, “оммавий маданият” каби ғаразли мақсадларга йўғрилган кўп-кўп бало-қазолардан ўзимизни, хусусан, ёшларимизни ишончли ҳимоя қилишда Ўзбекистонимизнинг Наврўз ва шу каби умумхалқ байрамларини яқдиллик билан нишонлашимиздан ортиқроқ, қудратлироқ қурол бормикан ўзи?!

Султонмурод ОЛИМ,
филология фанлари доктори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими.

ҚУТЛОВ



ДЕНОВ ТАДБИРКОРЛИК ВА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

азиз юртдошларимизни, институтнинг барча педагоглари, хизматчилари ҳамда талабаларини, мамлакатимизнинг олий таълим муассасаларида меҳнат қилаётган жамики ҳамкасбларини **НАВРЎЗ БАЙРАМИ** билан муборакбод этади.

Ёшларга астойдил билим бераётган устозларнинг эзгу ишларида улкан муваффақиятлар тилайди.

Наврўз — янги кун, янги фасл, янги йил демак. Ҳикматларга бой қадимий ва ҳамиша мафтункор ушбу айём барча ҳамюртларимизга муборак бўлсин!

Халқимизга ҳамиша бахт ва саодат, тинчлик ва тотувлик, соғлиқ ва фаровонлик насиб этаверсин!



УЛУҒЛИК ЙЎЛИ

ёки буюқ иқтидорларнинг дунёга келишига оид фалсафий мушоҳадалар

1-6

Шундай экан, нафс тарбияси — маънавий камолот йўли бўлиб, ахлоқи ҳамиданинг шаклланиш йўли ҳамдир. Аммо маънавият фақат нафс тарбиясидан иборат эмас. Маънавият иймондан бошланади, илм-фан билан мукамаллашади, тақлидий иймон орқали инсон нафс тарбиясига ўтади ва охири меҳр-маърифати орқали маънавий камолотга эришади. "Ахлоқ — маънавиятнинг ўзаги", деган ҳикматнинг маъно-мазмуни шундаки, инсоннинг маънавий камолот даражаси унинг ахлоқида энг ёрқин шаклда намоён бўлади.

Энди бир мулоҳаза қилайлик: буюқ кишилар даҳо даражасига қандай кўтарилган? Бундай саволлар кўпчилики қизиқтириши шубҳасиз. Кашфиётчи, ихтирочи, шоир, ёзувчи ёки рассом бўлмоқ учун тўғма қобилиятга эга бўлиш керак, деган фикр ҳукм суриб келади. Аммо бунинг улдасидан чўмқоч учун кўпроқ вақт ва ғайрат ҳамда ҳаракат талаб этилади. Бу соҳада ютуқларни кўлга осонгина қилишдан умидвор бўлмастик лозим. Ҳаммаси ўзингизга боғлиқ. Борди-ю, қарорингиздан чекинсангиз, унинг амалга оширишдан умид узсангиз, ўзингизга ўзингиз ёрдам беришни истамаган бўлиб чиқасиз!

Даҳо — бу оддий инсон ақли доирасидан четга чиқиш, инсон ақлининг аномалияси. Бинобарин, даҳо — бу инсон миёсида мавжуд табиий имкониятларнинг юксак даражада тўлиқ юзага чиқиши, жамол кўрсатиши, очилишидир! Кишилик жамияти даҳоларни шартли равишда икки кўтбага ажратган. Бу иккисининг ораллигида эса қобилиятнинг, истеъдоднинг турли хил тадрижий погоналари мавжуд: биринчи кўтб вакиллари, анъанага биноан, ҳудо ярлаққан даҳо, генийлар деб, иккинчи кўтб вакиллари эса ўзининг интилиши, меҳнати тўғайли даҳо, истеъдодлар деб аташ ўринлидир.

Даҳо шахсларда ўзининг билимига, кучига, салоҳиятига, қобилиятга, истеъдодига, бошқаларга нисбатан дивораклигига, муваффақият қозонишига ишонши ҳамда жанговарлик туйғуси юқори бўлади. Ушбу хислатлар бу ёруғ оламда Александр Македонский, Юлий Цезарь, Чингизхон сингари жаҳонгирларда тожпарастлик, шухратпарастлик ва дунёга яққа ҳукмронлик қилиш, Наполеон ва Сталин каби шахсларда некрофилик билан чатишиб кетади. Шу боис улар қурашишни, ёвлар билан олишиб яшашни ҳаёт тарзига айлантирганлар.

Шундай қилиб, даврлар ўтаверади, замонлар ўзгараверади. Бироқ халқона дунёқараш, инсон ва шахснинг маънавий-руҳий қиёфаси, моҳият ва мазмуни авлоддан-авлодга ўтиб, янги бўёқлар, мўъжизалар касб этган ҳолда давом этаверади. Бу боқий ва узлуқсиз жараён Ўзбекистон феномени сифатида фуқаро ҳис-туйғулари, ақидалари ва муносабатлари ҳамда илоҳий-руҳий олами — даҳолигини ўзида ифода этади.

Дарвоқе, инсон ва шахснинг жамиятдаги ўрни уларнинг муштарак ҳолати, яъни фақат Инсонга атроф-фоқелик ҳамда одубу ахлоқ қоидалари ҳақида билим беришининг ўзи, унинг маънавий-ахлоқий тарбияси учун етарли бўлмайди. Ҳақиқатда ирода қудрати, маъсулият туйғусини шакллантириш, кўнглида атроф-табиатга, меҳнатга, касбга, илмга, ўзга инсонларга меҳр уйғотиш, дилида улғу мақсадлар тўғилишига эришиш лозим. Масалан, тан олиб айташ керакики, Ватан, Миллат ёки Адолат туйғуси ҳақида китобларда ёзилганларни ўқиб чиққан одам дарҳол Ватанинг қадрига етадиган ёки адолатга хиёнат қилмайдиган бўлиб қолади, деб тасаввур қилиш ўта соддалик бўлур эди. Ҳар бир инсонда Ватан, Миллат, Адолат тимсол туйғулари руҳидаги пойдор маънавий қадриятларга айланиши учун ўзгалар ибратидеги синаши, бу йўлда риёзат чекиши, уларга нисбатан кўнглида меҳр уйғониши зарур. Бунга турли йўللار, турли воситалар: биринчи навбатда ёш авлод тарбиясига самимий тарзда; иккинчидан, изчил ёндашув ва тинимсиз изланишлар билан, яъни тинимсиз меҳнат билан эришилади.

Даҳолар, одатда, иззатталаб ва шухратга ўч шахслардир. "Одам ҳайвонлар ичида энг шухратпарастдир", — деб ёзган эди Г.Гейне. Юксак қобилият ва ноёб иқтидор ҳамда улкан истеъдод даҳо кўпчиликта виқорли, зиддиятли шахсга айлантиради. Унинг ён-атроф ва тартиблардан қониқмаслиги, ноанъанавий фикрларни илгари суриши турли зиддиятлар келтириб чиқаради. Натижада агар даҳо ўзини забун, ожиз сепса, ён-атрофдан ўзини олиб қочади, кишиларга, ҳатто хеш-ақраболарига ҳам қандайдир шубҳа билан қарайди, ҳатто у одамзодни, инсоният яратган бойликларни рад этиш даражасига боради. Масалан, буюқ немис файласуфи Шопенгауер қўлэмаларини китоб ҳолида чоп этиришга тайёрлаган бўлса-да, уларни оила аъзоларидан беркийтиб юрган. У фалсафа билан шуғулланган ва ўзини файласуф деб тан олса-да, фалсафа профессорларини жанидан баттар ёмон кўрган. Донишманд Фридрих Ницше эса ўзи шаклланган ва махсули бўлган икки минг йиллик Ғарб, айниқса, христианлик маданияти, дини, ахлоқига қарши жанг қилади. Янги ахлоқ, маданият ва Аллодам ("Сверхчеловек") яратишни ўйлайди. Р.Декарт, Ф.Бекон, Д.Юм каби донишмандлар ўзидан олдинги файласуфларга қарши чиқдилар, ҳатто улар меросига шубҳа билан қарашди!

Ибн Сино ва Беруний каби зотлар ҳам ҳаётда зиддиятли тақдир кечиргани маълум. Хусусан, Ибн Сино тиббиётда оид буюқ кашфиётлар қилган бўлса-да, умрининг иккинчи ярмини ўз кашфиётларига қарама-қарши ҳаёт тарзини танлайди... Беруний ўз қарашлари учун қулғинда яшади. Рус адиби Лев Толстой оилавий ҳаётга, фарзандлар тарбиясига оид дидактик асарлар, дарсликлар ёзди, бироқ умрининг охирида хеш-ақраболаридан бешиб, улардан қочди. Хайратли ҳол шундаки, доҳиёна фикрларига мувофиқ ҳар қандай низои, тўқнашувни тинч, "сен-мен"сиз ҳал этишлари мумкин бўлган буюқ шахслар арзиманган сабабни чуқурлаштираддилар. Уларнинг қалби, руҳи мутлақ ҳурлик истайди, минг афсуски, жамиятда мутлақ ҳур яшаш мумкин эмас.

Чинакам даҳо ижодкорлар дабадаларни, ўзини кўз-кўз қилиб йиғинлар тўрида ўтиришни, унво ва нишон тилаб саройга эғлилини ёқтирмайдилар. Улар учун юксак мукофот — ижод, кашфиёт... Ижоднинг завқли дақиқаларидан, оламшумул ихтиролардан серзавк нарсанинг ўзи йўқ улар учун. Эркин руҳнинг турмуш ташвишларидан, физик ҳужурлардан, алдоқчи шарофлашлардан холи парвози — улар топган юксак унво, мукофотдир. Яна юксак иқтидор, талант ноёбликда, бетакорорликдадир. Уртамеёна иқтидор эгалари бир-бирларига ўхшайдилар, бир-бирларига монанд ҳаёт кечирешлари мумкин. Чунки ундайлар анъаналарга қарши чиқишмайди, жамият билан муро-мадора қилади. Демак, уларнинг идеаллари ҳам айнандир!

Аммо улғу ижодкорлар фикрлашда ҳам, яшашда ҳам, идеаллар излашда ҳам бетакорордилар. Агар ноёб иқтидор эгаси — сиёсий муҳитни, борлиқни ўзгартироқчи бўлса, уни улкан фидоилик, улғу бир мақсадга ўзини бағишлаш, кишиларни бирлаштириш йўли чулғаб олади, у халоскорлик режаларини ишлаб чиқади, ҳатто новатор ғоя ва инновацион эътиқод ҳамда таълимот яратишдан қайтмайди. У ички бир туйғу билан сезадики, айнан ўзи кишиларни ғофиллик ботқоқидан олиб чиқиши, уларнинг онгини, ҳаётини ўзгартириши мумкин; агар инқилобий бунёдкорлик имкониятидан фойдаланмаса, бор кучи ва ақлини ишга солмаса, бир сўз билан айтганда, "ўзининг янги жамияти" — инсон

капиталини топқирлик билан омилга айлантира олмаса, истиқболли, ойдин келажак уни кечирмайди!

Нима бўлганда ҳам улғулик белгиси — ноёб истеъдод. Бу улкан имконият фақат унинг маҳсулигина, ҳолос. Худди ана шу жиҳати билан ҳам буюқ шахс ўзига хос ижтимоий моҳиятга эга бўлади. Албатта, ана шу ерда Беруний ёки Навоий тасодифий ҳодисами, деган савол ҳам тўғилиши мумкин. Йўқ! Берунийнинг ҳам, Навоийнинг ҳам буюқ кашфиётлари ва хайратомуз ижодий маҳсуллари айни ана шундай илмий ва ижодий асос мавжудлигидан келиб чиққан. Агар улар истеъдоднинг ривожланишига, камолга етишига, умуминсоний қадрият даражасига чиқиши учун етарли илмий ва маданий-маънавий муҳит бўлмаганида, эҳтимол, улар ўз даврининг оддий одамларига айланиб қолишлари ҳам мумкин эди. Ана шу ерда ижтимоий муҳитнинг роли кўзга яққол ташланади ва бу муҳит даҳолик қудратининг, буюқ истеъдоднинг беқиёс ривожланишига муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Шахс тушуначасини "арбоб" сўзи билан изоҳлаш мумкин. Зотан, арбоб қайси соҳада бўлмасин, маданият, фан, ишлаб чиқаришда, барибир, ўзининг кенг қўламли қарашлари, қатъий ва асосли хулосалари, ўзи бошқараётган ташкилот юқини осонлик билан кўтарар олган, унинг истиқболини равшан кўра билган, барчанинг ташвиш-у қувончларига шерик бўла оладиган фазилатларга эга бўлмоғи лозим. Раҳбарлик даражаси курсининг катта-кичиклиги билан ўлчанади, арбоблик эса булардан анча баланд туради. Раҳбарлик хизмат вазифаси доирасида кўзга ташланади, арбоблик эса кенг ижтимоий моҳиятга эга. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай инсоннинг касбий маҳорати, билими ва тажрибаси, одамлар билан тиллаша олиш қобилияти тўғайли, бир қарор ё бўйруқ билан раҳбар бўлиши мумкин. Лекин ҳар қандай раҳбардан арбоб чиқмайди. Яъни у тўлақонли етук шахсга айлана олмайди!

Инсондаги ички руҳий куч-қудрат, жасорат рағбат, интилиш ва ҳиссиёт даҳолик қудратларини ривожлантиради. У инсон феноменидаги зарурий асос, истиқболни белгиловчи омил ҳисобланади. Г.Паскалнинг фикрича, инсоннинг даҳолик қудрати — унинг мантқиқий мушоҳада қила олиши ҳамда тафаккур куч-қудратидеги чуқур фикрлаш тарзида намоён бўлади. Унинг кашфиётчилик қобилияти, ижодий-илмий салоҳияти, топқирлиги ҳар қандай ташаббусларни субъектив тарзда бойитиш замирида намоён бўлади.

Ҳар бир одамда ўзига хос маълум даражада даҳолик қуввати бўлади, кимдандир кўпроқ, кимдандир камроқ, айрим-айримларида "Худо ярлаққан" даражада чексиз-чекгарасиз кўзга ташланади. Натижада ҳар бир инсоннинг камолот қуввати ва даҳолик қудрати доирасидаги турмуш тарзи ва ҳаёти шаклланади.

Худо ярлаққан истеъдодлар — Моцарт, Рафаэль, Бедил, Навоий, Пушкин, Авраам Линкольн, Шарль де Голль, Амир Темур, Бобур ва бошқа айрим донишлар бамисоли бўлбунда каби ёнб наво қилганидек, эҳтиросдан эришиб, борлигини унутиб, айни пайтда мутлақо табиий, ҳар бир ижод қилишган. Чунки, юртимиздан таниқли истеъдодлар озмуна чиқмаган! Биринчи ва иккинчи Ренессанс бунёдкорлари, жаҳидчилик ҳаракати намояндалари, XX асрнинг кўплаб ёрқин кашфиётчилари, шоирлар ўзгаришлари Ҳабиб Абдуллаев, Саъди Сироҷиддин, Собир Юнусов, Иброҳим Мўминов, Яхё Ғулломов, Абдулла Қодирӣ, Чўлпон, Усмон Носир, Ғафур Ғуллом, Ойбек, Ҳамид Олимов, Зулфия, Одил Ёқубов, Саид Аҳмад, сўнгги йилларда Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Учқун Назаров, Рауф Парфи, Ботир Зокиров, Муҳаммад Юсуф, Хайриддин Султонов, Сироҷиддин Саййид, Иқбол Мирзо каби ва бошқа кўплаб истеъдод эгалари намоён бўлди.

Бундай истеъдодлар ўз-ўзидан келавермайди. Улардаги иқтидорни Яратганнинг ўзи беради. Улардаги улғу хислатларни эса ҳаёт, жамият кўзгуси ўзида акс эттиради. Бу — энг муҳим жиҳат, албатта.

Шундай қилиб, даврлар ўтаверади, замонлар ўзгараверади. Бироқ халқона дунёқараш, инсон ва шахснинг маънавий-руҳий қиёфаси, моҳият ва мазмуни авлоддан-авлодга ўтиб, янги бўёқлар, мўъжизалар касб этган ҳолда давом этаверади. Бу боқий ва узлуқсиз жараён, яъни Ўзбекистон феномени сифатида фуқаро ҳис-туйғулари, ақидалари ва муносабатлари ҳамда илоҳий-руҳий олами — юксак иқтидорлики у ёки бу кўринишда ўзида ифода этади.

Бугун халққаро экспертлар Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошқарувидаги ўта бетакорор услубларни таҳлил қилмоқда, ўрганмоқда ва Ўзбекистон тажрибасини бошқа давлат раҳбарларига ўрнак қилиб кўрсатмоқда. Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон Президенти сиёсий арбоб сифатида халққаро миқёсдаги глобал масалаларни кўтараётганини бутун дунё сиёсатчилари эътироф этмоқда, тан олмоқда. Узоқ йиллардан буён давом этаётган Афғонистон можароси ва экологик фожиага айланган Орол муаммосини БМТ минбарига олиб чиқиш, Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари бирдамлигига даъват каби жаҳон сиёсий майдонидеги пайдо бўлган мутлақо янги қарашлар... Барча-барчасида Ўзбекистон раҳбарининг ўқариш позицияси муҳим аҳамият касб этмоқда, ҳал қилувчи ўрин тутмоқда.

Ўзбекистоннинг халққаро ташкилотлар фаолиятидаги ўрни ва нуфузи ҳам тобора юксалимоқда. Натижада манфаатлар мувозанати яратилмоқда. Ўзбекистоннинг тутган йўли ва қарашлари билан ҳисоблашилмоқда. Буларнинг барчасига тарих учун қисқа давр — сўнгги етти йил ичида эришилди. Демак, Президентимиз нафақат халқ сайланган йўлбошчи, балки бутунжаҳон эътироф этаётган етук сиёсий намоянда ҳамда Янги Ўзбекистон асосчиси. Бу эса кўп миллатли халқимизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотмоқда.

Бугун дунё ўзгарди. Дунё узра Ўзбекистон ўз ўрнини топди. ИНСОН қадр-қиммати давлат сиёсати даражасида эъзозланмоқда. Ўзбекистон фуқароси руҳиятида Ватанга муҳаббат, давлатга, Президентга мутлақо ишонч пайдо бўлди. Энг муҳими, бу тарихий жараён давом этаётир, тақомиллашяпти, бойимоқда.

Ўтган етти йил Ўзбекистонда инсон қадрини, шаънини, ҳуқуқларини тиклаш ва улғулаш даври бўлди. Шундан бўлса керак, бундай ўзгаришларни баъзан нотўғри талқин қилувчилар, ношуқрлар ҳам учраб туради... Лекин бу давлат раҳбари учун муҳим эмас. Унинг инсонга қаратилган илоҳотлари, инсонга меҳри, муҳаббати ҳеч қачон сўнмайди. Аксинча, инсонни тинглаш, инсон билан мулоқот, инсонни англаш муҳим эканлигини тушуниб етган Юртбошимиз бу борадаги ҳаракатларини янада ривожлантирмоқда. Давлат бошқарувида асосий эътиборни инсон омилга қаратмоқда. Эл-юрт тақлиф-мулоҳазаларидан фойдаланмоқда. Бу юртимизда давлат билан халқ ўртасидаги жарлик йўқолишига олиб келди. Дарвоқе, бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилиш, бу эса янги Ўзбекистонни барчамиз биргалликда бунёд этишига йўналтиради.

Зеро, олий мақсад аниқ: Янги Ўзбекистонни дунёро ўз ўрнида бўлишига эришмоқ. Учинчи Ренессанс пойдеворини мустаҳкам қилиш. Бундай улғувор мақсадни қўйиш катта жасоратдир.

Карим НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори,
Қуролли Кучлар Академияси
профессори.

ТААССУРОТ

ЖУРНАЛИСТЛАР ҲАМ ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ



Ҳар биримиз ўз оиламиз, тўғилиб ўсган қишлоғимиз, шаҳримиз, бир сўз билан айтганда, Ватанимиз ҳақида гап кетса, безътибор бўлолмаймиз, негаки, киндик қонимиз тўкилган гўша — ота макон, она юртин ардоқлаш ва улғулаш табиатимизда мужассам. Ватанни асраб-авайлаш, севиш, уни ҳимоя қилиш шу азиз макон ҳар бир фарзандининг, жумладан, журналистларнинг ҳам муқаддас бурчи.

Тўғри, журналист ҳарбийлар каби қўлига қурол олиб Ватани қўриқламайди. Аммо қўлидаги қалами билан юртини ҳимоя қилади. Шу боис айтлиш мумкин, журналистлар ҳам Ватан ҳимоячиларидир. Дунёда юзага келган нотинчликлар, авж олаётган қарама-қаршилиқлар ана шу муқаддас қўлига қурол олиб Ватани қўриқламайди. Дунёда юзага келган нотинчликлар, авж олаётган қарама-қаршилиқлар ана шу муқаддас қўлига қурол олиб Ватани қўриқламайди. Дунёда юзага келган нотинчликлар, авж олаётган қарама-қаршилиқлар ана шу муқаддас қўлига қурол олиб Ватани қўриқламайди.

Пойтахтимиздаги "Туркистон" санъат саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондон Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан ўтказилган навбатдаги "Ватан манзумаси" номи адабий-маърифий кеча намойишига мамлакатимиз марказий оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида фаолият олиб бораётган бир юз аплик нафарга яқин журналистлар ҳам тақлиф этилди.

Санъат саройи фойесида тартиб билан жойлаштирилган ҳарбийларнинг машқ майдонларида олин-

ган суратлар, "Туркий адабиёт дурдоналари" туркумидан китоблар кўргазмаси, спорт милтиқ ва моделчилик жиҳозлари эътиборни тортади.

Бир ярим соат давом этган кеча дастуридан ўрин олган ранг-баранг чиқишлар — эл суйган санъаткорларнинг Ватанни, онани, аёлни, дўст-лиқни, табиатни мадҳ этувчи куй-қўшиқлари, устоз ва навқирон шоир ва шоирларнинг оила, элу юрт, тинчлик, севи-муҳаббатга оид одамни уйга толдирадиган чуқур маъноли, қалбларни жунбишга келтирадиган шеърлари, ҳарбийларимиз фаолиятига доир мазмунли, кўтаринкилик, фахр-ифтихор бахш этувчи лавҳалар — барча-барчаси кишига завқ-шавқ бериш баробарида чуқур уйга толдиради, фикрлаша, мушоҳада қилишга ундайди. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ўз-ўзидан таъминланмаётгани, уни қадрлаш, сақлаш ҳар қачонгидан ҳам устувор аҳамият касб этаётганини янада теран англайди киши.

Тадбирда қадим ўтмишда элу юрт тинчлиги ва осойишталиги учун курашган Тўмарис каби жасур момоларимиз, яқин тарихимизда моҳир

мерган сифатида ном қозонган Зебо Ғаниева сингари хотин-қизларга бағишланган шеърлар янгради. Бугун ҳам миллий армиямиз тизимида уларнинг юзлаб издошлари Ватанимиз ҳавфсизлигини таъминлаш йўлида йигитлар билан ёнма-ён хизмат қилаётгани таъкидланди.

Мудофаа ва Маданият вазирликлари, Ёзувчилар уюшмаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган адабий-маърифий кечада, айниқса, ўз хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган Ватан ҳимоячиларининг фарзандлари — оталари касбини танлаган йигит-қизларнинг чиқишлари, дил сўзлари барчани таъсирлантирди.

Давлатимиз раҳбарининг "Барчамиз, энг аввало, Ватан ҳимоячиси, тинчлик посбони бўлишимиз зарур!" деган чуқур маъноли сўзлари саҳнада намойиш этилган бадиий-муסיқий чиқишларнинг бош ғояси бўлди.

"Ватан манзумаси" тадбири менга мамлакатимиз ахлининг кучли инсоний туйғулари намойишидек таассурот берди. Бу туйғулар доимо уйғоқ бўлиши керак, — деди "Қишлоқ ҳаёти" газетаси бош муҳаррири Чори Латипов. — Шуни назарда тутганда маърифий уйғонишлар юз бераётгандек. Бу тадбирда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан зиёлар, хусусан, журналистлар тақлиф этилганлиги, шунингдек, залда Ватан ҳимоясида бўлган ҳарбий либосли йигитларимизни қўриб, тадбирнинг моҳияти юксак эканлигини чуқурроқ ҳис қиласан. Зотан, бундай тадбирлар иштиракчиларда Ватан муқаддаслиги ҳиссини янада мустаҳкамлайди.

Ушбу тадбир шу ном остида ўтган йили бўлиб ўтган кечага монанд тарзда ташкиллаштирилган бўлса-да, бу йилги намойишлар ўзига хос жиҳатлари билан алоҳида ажралиб туради. Таъкидлаш жоиз, бундай маърифий тадбирларга зарурат ва эҳтиёж борлиги, бу сингари кечаларни доимий ўтказиб бориш лозимлиги равшанлашмоқда.

Ҳолмурод САЛЛИМОВ,
Ўзбекистон Журналистлар Уюшмаси
раиси в.б.,
Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгаши аъзоси.

ҚУТЛОВ

ЖОМБОЙ ТУМАН

ҲОКИМЛИГИ ЖАМОАСИ

барча Ватандошларимизни энг қадимий ва гўзал айём — **НАВРЎЗ** билан самимий қутлайди. Мамлакатимиз равнақи ривож, халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш йўлида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар бардавом бўлишини тилайди. Ҳамиша сиз азизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ишларингизда муваффақиятлар ёр бўлсин! Юртимизда доимо тинчлик ва осойишталик бўлсин, дастурхонимиздан тўқий-сочинлик аримасин.

МУЖДА

ВИЛОЯТ ҲОКИМИ
“РУХСОР”
ФАОЛИЯТИ БИЛАН
ТАНИШДИ

Ҳозирги пайтда Фарғона вилоятида бир нечта хусусий теле ва радиоканаллар фаолият олиб бормоқда. Мамлакатимиз ва хориз янгиликлари, дунёдаги воқеликлар, юртимизда амалга оширилган ислохотлар билан кенг оммани таништириш воситаси, шунингдек, маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий мазмундаги ахборот манбаи сифатида уларнинг алоҳида ўрни бор.

Хусусан, “Рухсор” телерадиоканали бугунги кунда халқаро майдонда ҳам ўз макъеи ва рейтингига эга бўлиб бормоқда. Телерадиоканал ижодий жамоаси янги-янги марраларни забт этиш мақсадида қизғин ижодий ружда меҳнат қилмоқда. Телерадиоканал таркибидеги “Рухсор” ҳамда “Gold.uz” телеканаллари, шунингдек, “Ruxsor.FM” радиоканалларида ҳар куни 18 соат давомида турли лойиҳалар тақдим этиляпти.

Куни кеча Фарғона вилояти ҳоқими Хайрулло Бозоров “Рухсор” телерадиоканалига ташриф буюрди ва бу ерда ижодкорлар учун яратилган имкониятлар билан яқиндан танишди. Ҳоқимлик вакилларига бир гуруҳ ОАВ

ҳодимлари ҳам ҳамроҳлик қилишди.

Дастлаб вилоят раҳбари телемарказнинг тўлқин тарқатиш хонасида бўлиб, бу ердаги янги технологияларни кўздан кечирди. Айтиш керак, икки телеканал ва “Ruxsor.FM” радиоси эфери мана шу манзилнинг ўзидан узатилади. Замонавий, сўнгги русумдаги тўлқин тарқатиш технологиялари эса эфир сифатини таъминлайди, тўғридан-тўғри намоишлар учун қўлай замин яратди.


— Етти ёшдан етмиш ёшгача томошбинни қамраб олган телеканалнинг кеңаги кунига назар ташлайдиган бўлсак, жамоа кичик студияларда фаолият кўрсатарди. Компьютер графикаси ёрдамида виртуал декорацияларни яратган ижодкорларни бу қониқтирмасди, албатта. Ростини айтганда, замонавий журналистикага бу мос эмасди, — дея эслайди тележурналист Аҳор Зиедов. — Шу аснода телерадиоканал раҳбарияти янги ташаббусти қўл урди: бу ерда катта павильон қурилди ва ўзгарувчан студиялар яратилди. Натижада телеканаллар намоиш этадиган маҳсулотнинг сифати ва аудитория қамрови ошди. Томошабин кутадиған, айтса арзиғулик лойиҳалар нафақат телеканал,

балки “Mediabay.tv”, “ITV.uz” платформалари орқали ҳам эфирга узатилмоқда. Шунингдек, республика кабель телетармоқлари орқали ҳам мамлакат бўйлаб томошабинлар фарғоналик ижодкорларнинг телемаҳсулотларини томоша қилаёптилар. Вилоятимиз раҳбарининг бу ерга ташрифи барчамизнинг кўнглимизни кўтарди. Биз ҳам ўз навбатида янги ташаббуслар билан халқимизга хизмат қилишдан мамнунмиз.

Вилоят ҳоқими радиоканал ижодкорлари, телерадиоканал бош директори Нуриддин Асқаров билан учрашди. Самимий суҳбат давомида ижодкорлар томонидан яратилаётган янги лойиҳалар, бошловчиларнинг янги ташаббусларини тинглади. Тез кунларда тақдим этиладиган лойиҳалар ва вилоят ҳоқимлиги билан ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар ҳусурида тайёрланган тақдимот ҳавола этилди.

“Рухсор” ТВ ижодкорлари билан суҳбатда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган вилоят раҳбари ижодий жамоа ишига муваффақиятлар тилади.

Шерзод ҚОРАБОЕВ,
“Hurriyat” мухбири.



МУТОЛАА

Мамлакатимизда нашриётлар кўп. Китоблар ҳам чиқиб турибди. Ўқийдиганлари-чи? Шу ерга келганда саволлар ҳам бор. Лекин яқинда хушёр, китоб қадрини биладиган, ўқийдиганлар учун бир асар босмадан чиққани ҳам ҳақиқат. Китобча ёстиқдай қалин ҳам эмас. Қўлга олиб, бир бошласангиз, 2-3 соатда бемалол ўқиб тугатасиз. Асарга қизиқиб қолишингиз турган гап.

Жалолоддин Сафоевнинг ўзи айтганидай, “тарихни ҳолис ўрганиш, англаш, таққослаш заруратини чуқур ҳис қилган ҳолда” қўлига қалам олган. Шу мақсадга қай даражада эришганини ҳам китобнинг сўнгги саҳифасини ёпгач, тушуниб олишингиз қийин бўлмайди.

Асар бир қарашда улкан давлат, сиёсат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов ҳақида ёзилган. Лекин Рашидов баҳонасида айтилган бошқа катта гаплар ҳам бор. Муаллиф таъкидлаганидек: “Шароф Рашидов ўзбек халқига садоқат билан хизмат қилишдек шарафли умр кечирган. Халққа қилган меҳнати, жонини тиккан умри эвазига нима олди? Қандай яшади? Аждарҳо оғиздаги ҳаёти қандай кечганди? Умри поёнидаги сўнгги кунлар...” Бу кунлар азоби эса ўзгалар тилидан ҳам ёзилган, тасвирланган. Хуллас, кичик асардан “катта” саволларга жавоб топиш мумкин.

Бугун ёши 50-60 дан ошганлар Шароф Рашидовни жуда яхши билишади. Қўлаб мухбирлар қаторида мен ҳам бир кун эрталабдан кечгача Шароф Рашидов билан бирга юрганман. Назарбедаги зилзиладан сўнг жабр кўрган аҳолини бошпана билан таъминлаш, ёрдам бериш масаласи пайдо бўлганди. Бу иш бошида шахсан Рашидовнинг ўзи турган. У эрталабдан ишнинг қандай кетаётганини ўз кўзи билан кўрмоқ мақсадида Назарбекка келди. Вазирлар қаторига кўп эмас, 3 ё 4 нафар журналист ҳам қўшилди. Ёз чилласи. Ҳаво иссиқ. Қурилиш майдони чанг, тўполон. Катта раҳбар ўша майдонга қараб юриш қилди. Қурувчилар билан суҳбатлар... Масалалар шу жойнинг ўзида ҳал қилинишига гувоҳ бўлдиқ. Ўша куни “Узқолхозстрой” деган катта ташкилот раҳбари Эргаш Ашуровга айтган гаплари эсдан чиқмас хотирага айланган.

— Ака, вазир даражасидаги одамсиз. Бир зумда ёз ўтиб, куз келади. Одамлар янги уиларга кўчиб ўтишлари керак. Қурилиш материаллари билан вақтида таъминланмаса, қурувчилар бекор қолади, вақт кетади. Энг асосийси, одамлар сиздан, биздан хафа бўлишади. Аҳолининг уйдан чакка ўтиб турса, сиз билан биз қандай қилиб тинч ухлаймиз?..

Сўнг йиғилиш бўлди. Туман раҳбари билан худди ака-укалардай гаплашишлар... Одамлар фикрига қўлоқ солиб ўтирган Рашидовнинг ўзгариб турган кайфиятини кўриб, юрт раҳбари бўлиш қанчалар оғирлигини сал-пал бўлса-да, кўз олдимига келтиргандим ўшанда. Шу кунни бизлар, яъни вазирлар, катта-кичик раҳбарлар қатори мухбирлар ҳам чарчадик. Лекин Рашидов чарчаганини асло билдирмаганди.

Яна асарга қайтсам. Китобдаги 11 ҳақиқат орқали Ўзбекистон раҳбари бўлиб ишлаган инсоннинг курашларида ўтган умри, беҳаловат, ташвишли кунлари билан танишасиз. “Ўзиндан чиққан балолар” га ҳар қа-

дамда дуч келиб яшаш қанчалар оғирлигини ҳис қиласиз. Андропов, Горбачев деганларнинг асл қиёфалари ҳам кўринади. Муаллиф Андроповнинг қарашлари орқали

яна шу халқимиз тортиди. Ўзбекистондагидай ишни қилса, Озарбайжон ва Грузиннинг ўғривачаси ҳам ори кўзаб: “Қонунларни улар менсимаса, мен қараб тураманми?” — деб Гдлян - Иванов деганлари билан ўз йўли орқали “ҳисоб-китоб” қилармиди, деган хаёлларга ҳам борганман.

Шу ерда ўзим кўрган яна бир манзара. Буниси шаҳар марказида Шароф Рашидовга ёдгорлик очилган кунни кўрган, қузатганларим. Тадбир бошланганидан олдин атроф ўраб олинди. Маросимни ўз даврининг катталаридан бири Исмоил Жўрабеков очди. Рашидовнинг қадрдони Динмуҳаммад Қунаев ва бошқа-

“ОЛТИН ҚАЛАМ”
XVIII МИЛЛИЙ МУКОФОТИ
УЧУН ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ

1-6

Босма нашрлар
йўналиши бўйича
Энг яхши журналистик
материал учун миллий му-
кофот (1-, 2-, 3-ўринлар);

Интернет нашрлари йўналиши бўйича
Энг яхши журналистик материал учун
миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар).

Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги Энг яхши материали учун – 1 та биринчи ўрин, 4 та иккинчи ўрин (ТВ, радио, босма ва интернет нашрлари йўналишлари бўйича).

Шунингдек, 12 та рағбатлантирувчи номинацияларнинг 200 баробари миқдоридан пул мукофоти билан;

Танлов ғолиб ва совриндорларига: Танлов Бош миллий мукофоти соҳибига махсус диплом, “Олтин қалам” статуеткаси ва энгил автомобиль тантанали равишда топширилади.

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” статуеткаси ва базавий ҳисоблашнинг 200 баробари миқдоридан пул мукофоти билан;

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” статуеткаси ва базавий ҳисоблашнинг 175 баробари миқдоридан пул мукофоти билан;

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” статуеткаси ва базавий ҳисоблашнинг 150 баробари миқдоридан пул мукофоти билан;

Танловнинг рағбатлантирувчи номинациялари ғолиблари диплом, “Олтин қалам” статуеткаси ва базавий ҳисоблашнинг 100 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланади.

Танловда ҳар бир иштирокчининг 2023 йил 31 мартдан 2024 йил 31 мартгача босма ва интернет нашрларида эълон қилинган, радио ва телевидениеда эфирга узатилган 5 тадан 7 тагача материаллар кўриб чиқилади. Агар ижодий жамоа – газета таҳририяти танловда қатнашадиган бўлса, газетанинг 5 тадан 7 тагача сонини, теле ёки радиоканал жамоаси танловда иштирок этадиган бўлса, 5 тадан 7 тагача энг яхши кўрсатув ёки энг яхши шиттиришининг электрон варианты (ёхуд ҳавола) илова қилинади.

“2023 йилда чоп этилган публицистик жанрдаги энг яхши китоб учун” рағбатлантирувчи номинацияси бўйича танловда қатнашиш истигади бўлганлар Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига китобидан бир донга тақдим этади.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар ҳам илова қилинади:

муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисидаги қисқача маълумот (объективка); муаллифнинг паспорт ёки ID-карта нусхаси, телефон рақами.

Жамоавий иштирок этувчи ОАВнинг рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси ва ташкилот раҳбарининг паспорт ёки ID-карта нусхаси.

Танловга ижодий ишлар Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва унинг худудий бўлиmlари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги кўмағида мамлакатимизнинг хоризий давлатлардаги ваколатхоналари орқали, шунингдек, муаллифлардан тўғридан-тўғри электрон шаклда танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб жорий йилнинг 5 апрелига қадар қабул қилинади.

Матбуот йўналиши бўйича ижодий ишлар газета ёки журналда эълон қилинган материалларнинг нусхаси (pdf форматда);

Интернет нашрлари бўйича материалларнинг ҳавола (линк, ссылка) кўрсатилган ҳолда;

телевидение бўйича видеоматериаллар (3 дақиқадан 30 дақиқача телеграм форматда (аннотация, қисқача мазмун баёни билан); радио йўналиши бўйича аудиоматериаллар (3 дақиқадан 30 дақиқача, аннотация, қисқача мазмун баёни билан);

Рағбатлантирувчи номинация – фотожурналистика бўйича ижодий ишлар (JPEG, TIFF ва PNG форматда аннотацияси, қисқача мазмун баёни билан) Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг 99-46-10-25 рақамига очилган (O'zbekiston Journalistlar uyushmasi) телеграммига юборилиши сўралади.

Мурожаат учун телефонлар:
71 244-37-87, 71-244-64-62, 71 244-64-61.

СИЗГА АЙТАР
ГАПИМ БОР...

Жалолоддин Сафоевнинг “Шароф Рашидов: сиз билмаган 11 ҳақиқат” китобини ўқиб...



ўз хулосасини ҳам билдирди.

— Шўро давлати КГБсининг каттаси бўлган “чекист” халқимиз характерини яхши билган: миллат ва унинг элитаси ичида бирлик йўқ. Москвадан бошланадиган жазо операциясига бу халқ индамай, унсиз бош эгади ва бир-бирини албатта сотади!

Бу фақат китоб муаллифининг ҳақиқатими? Яқин тарихимизни варақлаганлар бу асл ҳақиқат эканлигига шубҳа қилиши мумкинми? Йўқ! Ана бизнинг фожиамиз!

Юртимизга Гдлян-Иванов бошлиқ бир тўда қутирганлар келиб, 25 миңдан ортиқ юртдошларимизни чиқиратганда томошабинлар ким бўлди? Бир дастурхонда ўтириб, ош-нон еганлар эмасмиди?

лар гапиришди. Шу кунни ўзбекнинг асл фарзандларидан бири Муҳаммад Юсуф ўз сўзини айтди. Унинг шеъридан дунё:

Бу шундай бевафо дунё, бу ҳаёт,
Тунда туғишганинг тонгда етти ёт.
Балки тақдир шудир, балки шу қисмат,
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.
Борингизда бизга бўлдингиз Ота,
Йўғингизда йўқдан қидирдик хато.
Бейб Парвардигор, дейдилар ҳатто,
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.
Энди тупроқ сизни айласин эъоз,
Шеърим ҳам тугади, руҳи нотинч зот...
Шоҳларга ҳамиша хушомад замон,
Кўзин ёғин ялар, сотарлар номин.
Шеърим ҳам тугади, ўзбекча омин,
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот!

Ўша кунни мени ўйлантиргани, айрим кимсаларнинг атрофга қараб: “Шу шеърини ҳозир ўқини шартмиди?” деган гаплари бўлди. Ҳақ гапни қанон айтсин шоир? Улуғ зот руҳи алан-жалаң қилганларни ҳам кечирармикан? Розии бўлармикан бизлардан?

Яна китобдан сатрлар:

— Урта Осиени забт этгунга қадар “оқ подшо” қўшинлари Кавказорти халқларини ҳам бўйсундирган. Бирок бу ўлкаларда улар маҳаллий аҳолига нисбатан ҳалқидан ошиб, уларнинг миллий гурурини топташга жазм эта олмаганлар. Бизда эса: юртимизни ишғол қилиш, ёппа қирғин, камситиш, хўрлаш, топташ, қадриятларни оёқ ости қилиш билан биргаликда кечган”.

Мана тарихий ҳақиқат. Жалолоддин ана шу ҳақиқатни айтиши баҳонасида “кўзингни оч, халқим!” демайптими?

Ҳаёт теп-текис, равон йўлдан иборат эмас.

Шундай экан, халқ бошига оғир кунлар тушганда миллат зиёлилари олдинда бўлмоғи шарт. Халқ дардини ўз дарди деб билган зиёлигина миллати берган нонни оқлаган бўлади. Катта амалдор Рафиқ Нишонов Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов халқ муаммосини кўтариб чиққанида қай даражада “қўллагани” бир мисол тарзида келтирилади. Ушанда у киши Одил Ёқубовга: “Одил акамиз ҳам ҳиссийта берилиб, кўп кераксиз гапларни айтди-дилар”, деган танбеҳ билан чекланган эканлар. Чўрткесар, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, миллат шаъни турганида ҳар нарсадан воз кечадиган адибнинг қайси гаплари “кераксиз” эди? Шу ерда ҳам миллат фарзандига вақт ажратилган қизганликларини учун Одил ака қозога туширган гапларини айта олмаганлигини мухбирларга берган интервьюларида армон билан эслаганди. Яқинда улуг адиб Одил Ёқубовнинг шу гапларини ижтимоий тармоқлар орқали яна бир бор эшитдим, кўрдим. “Уша кунни сайёрамизнинг буюк олимига тош отиб, миллатимизни уятга қолдирган қиздан бошқа ўзбек депутатлари бирлашиб, Одил акага вақт берилишини талаб қилсалар бўлмасмиди?” деган уйга борасан...

Жалолоддин Сафоев Одил аканинг ўша

машхур чиқишини мисол келтириш билан яна ўз қарашларини билдирди: “Худо кўрсатмасин, юртимиз бошига иш тушса, халқаро минбарлардан хоризий мамлакатлар оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳимоя қилишга қодир куч борми?” деган савол ҳар биримизни ўйлантириши керак дейди муаллиф.

Бугунги глобализация шариотида турли геосиёсий зиддиятлар, қуролли тўқнашувлар, давлатлараро низолар кўпайиши баробарида, ахборот хуружлари ҳам кенг тус оляпти. Мамлакатимиз Президентини Шавкат Мирзиёев ўтган йил 22 декабрда ўтказилган Маънавият ва маърифат кенгашининг йиғилишида ва жорий йил 12 январдаги Хавфсизлик кенгашининг йиғилишида ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, замонавий таҳдидларга муносиб кураш олиб бориш учун, аввало, ахборот маконида миллий контент яратиш зарурати, дунёдаги воқеаларга миллий манфаатлар нуқтаи назаридан баҳо бериш лозимлиги, акс ҳолда, ташқаридан турли ахборот хуружлари кириб келишига, янгилик ва ахборотга эҳтижларнинг бошқалар томонидан тўлдирилишига сабаб бўладиган нохуш оқибатлардан оғоҳ бўлишга даъват этди.

Демак, ҳар биримиз бугунги кун ҳақиқатларини билмоғимиз керак.

Китобни ўқиб тугатгач, охириги саҳифаларни очиб, қанча нусхада чоп этилганлигини билмоқчи бўлдим. Уч минг... Нега 30000 эмас? Нима кўп — учрашувлар, айниқса, ёшлар иштирокидаги турли тадбирлар, маънавият кунлари... Ана шу тадбирларда иштирокчиларга китобни мисол сифатида кўрсатиб: “Мана бу ҳақиқатларни билиб олинглар, ўйланглар, мулоҳаза юритинглар”, дейилса, кўп нарсани ютган бўлармикан.

Асар хулосаси ҳам ўқувчини мулоҳаза юритишга ундайди. Худди Жалолоддин Сафоев миллатнинг содик фарзанди Шароф Рашидов сабаб “Сизга айтар гапларим бор” деб ёзгандай:

“Хуллас, ҳамма нарса ўзимизга, халқ бўлиб шаклланишимиз, миллий манфаатларимиз чегарасини аниқ англаб етишимизга боғлиқ. Энг муҳими эса барча соҳаларда малакали, замонавий билим-у илмларни эгаллаган кадрларни тайёрлаш, тарбиялаш ва уларга имкон бериш — ҳаёт-мамат ишига айлангани зарур. Шундагина ҳар қандай даврда миллий гуруримизни сақлай ва асрай биламиз”.

Шароф Рашидов ҳаёти ва тақдири тўғрисида бир таниқий ижодкор томонидан ёзилган асардаги биз англаган ҳақиқатлар ҳозирча шу. Аслида, барча англаш керак бўлган ҳақиқатлар бу! Бугун бепарволик қилишга ҳаққимиз йўқ. Чунки замон шуни талаб қилапти.

Қадрдоним Жалолоддинга айтар гапим жуда қисқа. Исмнинг ҳам юки бор дейдилар. Айниқса, Жалолоддин деган исмининг... Чарчаманг, иним!

Анвар АБДУВАЛЛОВ.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

“ТУРОНБАНК”НИНГ НУКУСДАГИ ЛОЙИХАЛАРИ!

Ўзбекистон молия бозоридида 33 йилдан буён самарали меҳнат қилиб келаётган “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки бугунги кунда республика бўйича ўзининг 21 та банк хизматлари маркази ва 70 дан зиёд офислари орқали 622 минг нафардан ортиқ юридик ва жисмоний шахсларга сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

Айниқса, сўнгги йилларда Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда олиб борилаётган кенг қамровли трансформация жараёнлари натижасида банк фаолиятида рақамли технологиялар жорий этилиб, мижозларга янада қулай ва тезкор бўлган таклифлар тақдим этилмоқда. Бу ўзгаришларни “Туронбанк” акциядорлик тижорат банкининг ҳар бир бўлимида сезиш мумкин.

Хусусан, 33 йилдан буён қорақалпоқ халқига беминнат хизмат қилиб келаётган “Туронбанк”нинг “Қорақалпоғистон Республикаси” банк хизматлари маркази сўзимизга исботдир. Айни вақтда у ўзига қарашли 4 та ихчам ва самарадор банк хизматлари офиси орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг молиявий эҳтиёжларини қондириб келмоқда.

ОАВ вакиллари иштирок этган пресс-тур тадбирида ушбу марказ билан ҳамкорликда ўз фаолият



лар бериб борилади. Асосий дарслардан сўнг эса “Ментал арифметика”, “Шахмат”, “Инглиз тили”, “Рақс”, “Хитой тили” каби тўғараклар ташкил этилган. Хусусий мактабга 60 нафар тажрибали педагог жалб

шунингдек, каленный ойнага ишлов бериш фаолияти билан шугулланади. Қарийб 2 гектар майдонда бугун 10 дан ортиқ ишлаб чиқариш бўлими мавжуд бўлиб, умумий ҳисобда 300 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Темир, тахта ва шишанинг 100 дан ортиқ турлари мавжуд. Йилга 20 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати қарийб 1,5 млн. АҚШ доллари бўлиб, шундан 1 млн. АҚШ доллари “Туронбанк” “Қорақалпоғистон Республикаси” банк хизматлари марказининг кредити ҳисобланади. Молиявий кўмак эвазига Хитой Халқ Республикасидан замонавий ускуна ва технологиялар олиб келинган. Маҳсулотларни қўшни давлатларга экспорт қилиш бўйича ишлар олиб борилаётган.

Банк лойиҳалари орасида журналистларни қизиқтирган яна бир корхона бу Нукус шаҳридаги энг тажрибали ва таниқли хусусий таълим муассасаси “Kinderland Nukus” хусусий



тини ривожлантириб келаётган ишбилармонларнинг муваффақиятли лойиҳалари ҳақида тўлиқ маълумот берилди.

Дастлабки манзил — Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида жойлашган “Kardar academy school” хусусий мактаби бўлди. 2016 йилда ўқув маркази сифатида иш бошлаган корхона Давлатимиз раҳбари томонидан яратиб берилган шароитлар натижасида 2020 йилда йирик таълим муассасасини ишга туширди. Бугунги кунда мазкур замонавий мактабда бошланғич ва катта синфлар мавжуд бўлиб, уларда 330 нафар бола таълим ва тарбия олмақда. Аҳамиятли жиҳати, ушбу хусусий мактаб математика, информатика ва инглиз тили фанларини чуқур ўргатишга ихтисослашган бўлиб, бу ерда Буюк Британиянинг “Cambridge Assessment” методикаси орқали таълим берилади. Ўқувчиларга кун давомида 3 маҳал сифатли маҳсулотлардан тайёрланган иссиқ овқат-

этилган бўлиб, уларнинг қарийб 70 фоизи олий тоифали ўқитувчилардир. “Туронбанк”нинг “Қорақалпоғистон Республикаси” банк хизматлари маркази билан ҳамкорлик эса мактабнинг янада ривожланишига туртки берди. Албатта, бу каби ишларни амалга оширишда Давлатимиз раҳбарининг “Нодавлат умий ўрта таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш ва ушбу жараёнга тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш имкониятларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, пресс-тур давомида ОАВ вакиллари хусусий мактабни яратган тадбиркорнинг наватдаги лойиҳаси, яъни “Kardar” номи остида турли хилдаги эшик ва ромлар ишлаб чиқараётган корхона фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Берилган маълумотларга қараганда, 2012 йил Нукус шаҳрида иш бошлаган “Kardar” бренди ёғоч ва темир эшик-ромлар, юмшоқ мебеллар ва темир буюмлари ишлаб чиқариш,



боғча ва мактаб лойиҳаси бўлди.

2014 йилда кичик бинони ижарага олиб, 12 нафар бола ва 4 нафар педагог билан иш бошлаган хусусий боғча бугунга келиб, ўзининг шахсий кампусида 350 дан зиёд болаларга таълим ва тарбия бermoқда. Яъни, “Kinderland Nukus” нафақат боғча,


балки хусусий мактабга ҳам айланди. 1 синфдан 11 синфгача бўлган босқичларда 170 нафарга яқин болалар ўқитилмоқда. Шунингдек, яна 150 нафари боғчада тарбияланапти. Уларга 20 нафарга яқин педагог таълим бermoқда. Уларнинг барчаси олий тоифали мутахассислар ҳисобланади.

“Kinderland Nukus” лойиҳасининг асосчиси ва раҳбари Нигархан Алланазаровнинг сўзларига кўра, 2017 йилда “Туронбанк” “Қорақалпоғистон Республикаси” банк хизматлари маркази билан йўлга қўйилган ҳамкорлик натижасида корхона янги бино сотиб олиш, уларни таъмирлаш ва зарурий жиҳозлар билан таъминлаш имкониятига эга бўлди. Нафақат боғча, балки мактаб фаолияти ҳам йўлга қўйилди. Умумий ҳисобда 2017 — 2023 йиллар давомида банк томонидан “Kinderland Nukus” лойиҳасига 3,6 млрд сўмлик кредит ажратилди.

Пресс-турнинг сўнгги манзили Нукус шаҳридаги саноат зонасида жойлашган, қурилиш учун шиша толасидан тайёрланган замонавий саноат турлари (сетка) ва шиша тола маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи “Asadbek Glass Fiber” корхонаси эди.

Бу манзилдаги лойиҳанинг умумий қиймати 1 млн. АҚШ доллари бўлиб, бугунги кунда корхона кунига 2000 квадрат-метр, йилга эса 600 000 квадрат-метр шиша толасидан қурилиш сеткаси тайёрламоқда.

Корхона раҳбари Баҳрам Аллабереновнинг таъкидлашича, одатда, бундай мустаҳкам зичликдаги қурилиш турлари юртимизга Хитойдан импорт қилинган. Яратиб берилган шароит ва молиявий кўмак натижасида бу маҳсулотлар энди ўзимизда маҳаллийлаштирилмоқда. Бунинг замирида эса Давлатимиз раҳбарининг “Қорақалпоғистон Республикасини комплекс



ХОРИЖ

ХАМАС ЕТАКЧИЛАРИДАН БИРИ ЎЛДИРИЛДИ

Исроил ҳарбийлари ХАМАСнинг жанговар қаноти етакчиларидан бири Марван Иссани ўлдирди. Бу ҳақда Оқ уйнинг миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси Жейк Салливанга таяниб, “ВВС” хабар берди.



Исроил аввалроқ Исса Ғазо секторидаги зарба нишони бўлганини даъво қилган, бироқ унинг ўлимини тасдиқламагани. “ХАМАС иерархиясидаги учинчи одам бўлган Марван Исса ўтган ҳафта Исроил операциясида ўлдирилган. Қолган юқори мартабали раҳбарлар, эҳтимол, ХАМАС туннеллари тармоғида яширингандир, аммо адолат уларга ҳам келади”, — деган Салливан.

Шунингдек, у АҚШ президенти Жо Байден Исроил бош вазири Биньямин Нетаньяху билан телефон орқали мулоқот қилганини айтди. ХАМАС расмийлари Иссанинг ўлими ҳақидаги хабарларга ҳозирча изоҳ бермаган.

ҒАЗОДАГИ ОЧАРЧИЛИК

Ғазо секторидаги камиди 1,1 миллион киши озиқ-овқат захираларини тугатган ва ҳалокатли очарчилик хавфи остида қолган. Бу ҳақда БМТ бош котиби Антониу Гутерриш Нью-Йоркда Ғазо масаласи бўйича матбуот билан учрашувда айтиб ўтган.



Гутерришнинг айтишича, озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича дунёнинг етакчи экспертлари Ғазо шимолдаги очарчиликнинг олдини олиш иложсиз эканлигини маълум қилишган. “Ғазодаги фаластиликларнинг ярмидан кўпи — 1,1 миллион киши озиқ-овқат захираларини тўлиқ тугатди, уларга ҳалокатли очарчилик таҳдид солинмоқда. Хабарларга кўра, Ғазодаги фаластиликлар даҳшатли азоб-укубатларни бошдан кечирмоқда”, — деган у.

РУМИНИЯДА НАТО БАЗАСИ ҚУРИЛМОҚДА

Руминияда Европадаги энг катта НАТО базаси қурилиши бошланди, у 10 миң нафаргача ҳарбий хизматчи ва уларнинг оилаларини сиғдира олади. Бу ҳақда “Euronews” хабар берди.



Таъкидланишича, ҳарбий объект 2800 гектар майдонда қурилади, умумий периметри 30 километрни ташкил қилади. Базада 10 000 нафаргача НАТО аскарлари ва уларнинг оилалари доимий равишда жойлашиши мумкин. База қуришнинг дастлабки қиймати 2,5 миллиард еврога баҳоланмоқда.

Констанса округидаги база учинчи-кўниш йўлаклари, самолёт ангарлари, қурол-яроғ, ёнилғи-мойлаш материалларини сақлаш ва жойлаштириш учун объектлар, ўқув жиҳозлари, мактаблар, болалар боғчалари, дўконлар ва шифохона билан жиҳозланади. 2023 йилнинг 14 сентябрида Болгария 2025 йилгача 55 миллион долларлик НАТО базасини қуришни режалаштираётгани маълум бўлган эди.

ЯПОН ДЕНГИЗИГА БАЛЛИСТИК РАКЕТА УЧИРИЛДИ

Шимолӣ Корея 18 март куни эрталаб Япон денгизи томон иккита баллистик ракета учирди, уларнинг иккаласи ҳам Япониянинг эксклюзив иқтисодий зонаси ташқарисига тушди. Бу ҳақда Япония Мудофаа вазирлигига таяниб, “NHK” телеканали хабар берди.



Мудофаа вазирлиги маълумотларига кўра, биринчи парвоз 07:46 (Тошкент вақти билан 03:46), иккинчиси тахминан 40 дақиқадан сўнг амалга оширилган. Иккала ракета ҳам Япониянинг эксклюзив иқтисодий зонасидан ташқарига тушган. Япония Мудофаа вазирлиги ахборотни таҳлил қилиш ва вазиятни кузатишда давом этмоқда. Денгиздаги кемаларга хушёр бўлиш ва келаётган маълумотларни кузатиш тавсия этилган.

Япония ҳукумати Бош вазир ҳузурда маълумот тўплаш ва эҳтимолий зарарни баҳолаш учун бўлим бошлиқлари гуруҳини чакирган. “Yonhap” агентлиги Жанубий Корея ҳарбийларига таяниб, Пхеньян қисқа масофага учувчи бир неча ракетага учиргани ҳақида хабар бermoқда. Уларнинг аниқ сони маълум эмас.

Интернет маълумотлари асосида Ислом ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ “SPARTAK INVEST PLUS BUILDING” МЧЖ ЖАМОАСИ

халқимизни баҳор, янгилик ва
яшарлиқ айёми —

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан қутлайди!

Шарқона Янги йилимиз ҳар
бир хонадонга қут-барақа,
бахт-саодат ва омадлар олиб
келсин. Неча асрлар оша каттаю
кичикнинг дилига эзгулик, меҳр-
оқибат туйғуларини сингдириб
келадиган қутлуғ айём муборак
бўлсин!

Она Ватанимиз гуллаб-
яшнасин! Юртимизни, ҳар бир
юракларни Наврўз шукуҳи ҳеч
қачон тарк этмасин!



ШЕЪРИЯТ

Кўзларимга тикилар чирок

Шухрат ОРИФ



Муаллиф ҳақида:
Шухрат Ориф — 1981 йили Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон Республикаси Президентлиги хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тамомлаган. “Мен асли одаммас, ёр эдим”, “Шом товуши” китоблари нашр этилган. 15-Халқаро турки шеърят фестивали иштирокчиси (Туркия, 2022 йил). “Шухрат” медали билан тақдирланган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Сени олиб келган шамоллар таниш,
Улар мени ташлаб кетганди бадар.
Кўксимда қовжираб битган умидим,
Наҳот етиб келдинг қисматга қадар?!

Ҳаммаси чалқашди туғилганимда,
Билмам, келганимдан ким кўпроқ ютди?
Умрим шамол кутиб ўтиб кетгандай,
Наҳот бир шамолни мен қирқ йил кутдим?!

Ҳадисини олдим яшамоқликнинг,
Ўзим бошқадирман, бошқадир лойим.
Ўзгача бўлмоги мумкин эди, лек
Шамоллар кечикди, менмас, Худойим!

Сендан гўзал эди дардларинг
(Мен уларни севдим аслида).
Менга тўхфа эдинг маъюслик,
Умримнинг энг маъюс фаслида.

Кўзларимдан изладинг бахтни,
“Бахтли бўлмоқ шартми, гул?” — дедим.
Одам каби яшагим келмас,
Одам каби севмоқчи эдим...

Биз лойикимиз буюк қисматга,
Майда қисмат бахтли бўлмоқлик.
Кўзларингнинг ёшини кўрдим —
Энди ечим эмас ўлмоқлик!

Сендан гўзал эди дардларинг...

Орамизда йигирма куз бор,
Йигирма баҳор бор сарсари.

Орамизда ҳамма бахтиёр,
Иккимиз — энг бахтиёр ғариб!

Орамизда — исмсий йиллар
Ва миллиард одам бор исми.
Орамизда — соқов кўнгиллар,
Орамизда — сершовқин жимлик...

Орамизда — висол ҳадиғи,
Орамизда — бахт тиклаган дор.
Орамизда кўпмас... атиги
Йигирма томчилик кўзёш бор...

Орамизда қисмат саргардон,
Орамизда — зериккан қафас.
Орамизда дунё сақлар жон,
Фақат бизга етмайди нафас...

Орамизда севги бор, гулим —
Биргалик йўқ, лек бир бўлиш бор.
Бизга ҳавас қилади ўлим —
Исмингни пичирлаб ўлиш бор...

КАЪБА ҚАРШИСИДА

Йўллар хаёлларимдек чалқаш,
Шу йўлларда шамолдек елдим.
Эшигингни очгин, Худойим,
Бир йигитни етаклаб келдим...

Ҳеч бир йўлга дохил қилмадим,
Бари вайрон бўлган менгача.
Англадимки, умримда мен йўқ,
Менинг умрим — Сендан — Сенгача!

Тириклик чиптамдир, ҳаётим —
Сенинг хаберингни кутмоқлик.
Оёғим заминга боғланган,
Юрак эса осмонга боғлиқ...

Йўлғамоққа ғайратим етмас,
Қисмат эса қулгани-қулган.
Йўллар хаёлларимдек чалқаш,
Манзил термулгани-термулган...

ҚОР. МЕН. ЁР

Деразамда ҳансирайди қор
(Гуё қўқдан тушгандайин эрк).
Ҳасратимдан излаб кимдир —
Худди сени излаб келгандек...

Деразадан сочилди умрим,
Англасам-да — ҳамма йўллар берк.
Келарингни кутдим барибир —
Худди сени излаб келгандек...

Деразадан мўлтирайман мен,
Деразада ҳансирайди қор.
Исмингни оятдек пичирлаб,
Сенсизликда эрияман, ёр...

Сени соғинчларимга кўдим
Ва яшай бошладим яхшироқ.
Фақат... тунлар “Омонмисан?”, деб
Кўзларимга тикилар чирок...

Сени қайгуларимга кўдим,
Қайгулар-да бўлди чиройли!

Чиройли туғилди ҳаммаси
Сўнг барчаси ўлди чиройли...

Сени орзуларимга кўдим,
Бирдан гуллаб бошлади эртам.
Бу оламда бизларга кун йўқ,
Орзуларда биргамиз, эркам!

Сени сукутларимга кўдим,
Дунё бўлди янада оғир.
Гапирсам юрагинг оғриди,
Гапирмасам юрагим оғир...

Сени хотираларга кўдим.
Юрибман бахтиёр, хуррам, соғ.
Билдим — сени кўмгандан кўра,
Ўзимни кўмганим осонроқ...

Келишларинг кундек бетакрор
(Кўрганымда оламан нафас).
Дунё сал ўхшайди дунёга —
Ҳамма менга қилади ҳавас.

Кетишинг ҳам кундек бетакрор
(Хувиллаҳай кўнгил чамани).
Дунё сал ўхшайди дунёга —
Раҳми келар менга ҳамманинг...

Мен сизни шунчаки аядим,
Аямоқчи бўлиб ўзимни.
(Сизни кўрганида мабодо
Қандай юмар эдим кўзимни?!)

Мен сизни шунчаки аядим,
Атайин бормадим, атайин

ИЖОД ЗАҲМАТЛАРИ

Хоразм адабий муҳитида ўтмишда шоирлар кам бўлган. Уллибиби Отаева номини эса XX аср ўзбек адабиётининг фахрланарли номлар қаторида қайд этамиз. Ҳозирда эса вилоятда Гавҳар Ибодуллоева, Сайёра Самандарова, Муҳаббат Сафоова, Сайёра Жабборзода, Шоира Шамс, Насиба Жуматова, Дуррошша, Умида Нурзода сингари шоирларнинг кўплаб шеърлари, тўпламлари ўз мухлисларини топиб улгурди. Бироқ ўтмиш бугунда ҳам насрда қалам тебратган, иқтидорини намойиш этаётган аёл иждоқорлар кам.

БЕКПОШША ОПАНИНГ БОЙЛИКЛАРИ

Сайёра Жабборзодиннинг “Гавҳарафшон” ҳикоялар тўплами, “Қисмат тоши” романининг чоп қилингани ва “Тавқи таъбир” ҳикоясининг 2023 йилда нашр этилган “Ўзбек насри антологияси”га киритилгани ва бошқа адабларнинг ҳам интилишлари Хоразм адабий муҳитидаги ютуқлардан, албатта. Бироқ ҳануз адаблардан кўра, Хоразм шоирларининг ижоди раванг толга давр ҳозирда.

Ана шундай насрдаги оз бўлса-да изланишлар давом этаётган, “сукунат ҳукм сураётган” адабий муҳитга эса тележурналист сифатида танилган Бекпошша Хўжаеванинг ҳикоя, эссе, хотиралари кириб келди.

Бекпошша опанинг тележурналист сифатида тайёрлаган кўрсатувлари ўз вақтида нафақат Хоразм, балки қўшни Қорақалпоғистон, Тошқовуз вилоятидаги мухлислар олқишига ҳам сазовор бўлган. Шунингдек, улар ичида энг доврқ таратгани “Бир келиб кетинг қишлоғимизга” кўрсатуви эди. Профессонал журналистика, бироқ ҳар бир қишлоқлик билан содда, самимий ҳудудидан сўбатлар орқали маълум бир ҳудуднинг ўзига хошлигини очиб бериш учун ҳам машурат керак. Бекпошша Хўжаева шу ва шу сингари кўрсатувларида ўз касбининг устаси сифатида профессионаллик билан бу ишинг урдасидан чиқди ва кўлаб мухлислар ортирди.

Айнан “Бир келиб кетинг қишлоғимизга” кўрсатуви шу боисдан ҳам Хоразмга таширф буюрган хорижлик меҳмонлар эътиборини тортган. Қозғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Абдурахим Пратов 2002 йилда воҳага қилган таширфиди ана шу кўрсатуви кириб хайратланган ва: “Шевада ҳам кўрсатув тайёрласа бўларкан-да”, дея ўз фикрини билдирганди. 2023 йилдаги иккинчи бор келганида эса “Хоразм ТВ”ни қўйишни сўради, ўша машур кўрсатув ва унинг муаллифини суриштирди. Бу тарздаги қизиқиш ва хайратларни мен озарбайжонлик Гулшан Кенгерлинская, кримлик Зера Бекирова, АҚШлик шарқшунос Азизулло Орол сингари олиму иждоқорлардан ҳам эшитганман.

Шунингдек, Бекпошша Хўжаеванинг курсдош дўсти, таниқли адиб, жамоат арбоби, филология фанлари доктори, профессор Хуршид Дўстмуҳаммад Тошкентда кўришганимизда, “Бекпошшанинг шевада тайёрлаган кўрсатуви Хоразм воҳасигагина хос ва бу кўрсатувлар вақт ўтиб Хоразм тарихининг ўзига хос жиҳатларини илмий ёритишга асос бўлади”, деганди. Ҳа, бу эътирофлар Бекпошша Хўжаеванинг тележурналистикада ўзига хос услуб яратганининг далолатидир. Яъни, олиму иждоқорлар, хорижликлар ва табиийки, воҳа ахли самимийлик ва ғоятда маданиятли ҳолда қишлоқликлар билан шевада қилинган гурунларни шу боисдан ҳам ҳануз хотирлаб турилади...

Ана шундай хайратларга, олқишларга

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

БИР ТОШ КЎРСАНГ ЙЎЛ ЎРТАСИДА...

(Истеъдодли шоир Назар Шукур ҳаёт бўлганида бу йил 70 ёшни қарши олар эди)

Шеър ва шеърят ҳақида, унинг абадиятга дахлдор эканлиги тўғрисида, чинакам шеърнинг умри уни яратган истеъдодли шоир умридан минг бора узун эканлиги мавзусида жуда кўп гаплар, фикрлар, иқтибослар, битиклар борки, уларни ўқиб, буюк япон адаби Риносэ Акутагаванинг машхур “Инсон умри Бодлернинг бир сатрига арзимайди” деган ҳукми-хулосаси барча замоналар учун ўз оҳорини йўқотмаган гўзал бир талқин деган хулосага келасан.



Мен бу фикрнинг тўғрилигига Назар Шукурнинг шеърларини ўқиб туриб, яна бир бор ишондим. Назар Шукур (1954-1985) ҳаёт бўлганида бу йил 70 ёшни қаршилаган бўларди. Унинг “Кўкдаги умр” илк китоби 1984 йилда Ғафур Ғулум номлидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилди. Ҳаётдан сўнг “Қишлоқ йўлларида” (1985), “Вақт хиёбонида” (1992), “Видо” (2004), “Мени кечир, муҳаббат” (2005), “Сен қайтмасан” (сайланма, 2007), “Осмон ташбеҳлари” (2016, сайланма) китоблари ўқувчилар қўлига теғди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан 2021 йили “Баҳор соғинчи” тўплами нашр қилинди.

Назар Шукур оламни шеърнинг беназир нигоҳи билан идрок қилган, қай бир вақт бўлмасин, унинг шеърларини ногаҳон ёки атайлаб ўқиган ҳар қандай сўз мухлисини ана шу беназирлик водийсига бошлаб кетадиган бетакрор шоир эди.

Унинг шеърларини ўқиб эканман, дафъатан, чинакам инсоний изтироб, олам ва одам дардларига бирлашиб кетган улғур бир ҳамдардлик ҳар бир сатрида ловуллаб турганини ҳис этдим.

Шеърдан-шеърга ўтганим сари яна бир фикр хаёлимни чулғай бошлади; яшалиши лозим бўлган ва яшаб ўтилган умр билан ана шу яшалган вақт давомида яратилган шеър умрини солиштирсангиз, лаҳзалар, дақиқалар, кунлар, ойлар ва йиллар, эҳтимол, асрлар ҳам тўхтаб қолгандек бўлади.

Назар Шукурнинг шеърлари вақтни тўхтатган, негаки улар бугун, айни шу кунларда ёзилгандек ҳароратли, тилсимли, тугёнли, дарднок, таскинбахш, ҳамдард ва ҳаётбахш туйғуларнинг тирик тилсими бўлиб кўнглингизга кўчади ва кўчаверади, кўчаверади...

Эҳтимол, истеъдодли шоирларнинг бу оламда эришган бир ҳовучина бахт ва саодати ҳам шундай.

Ой қулади беун, бежаранг,
Юлдузларда пок тортинчоқлик.
Тун қўйнида ухлар чирой, ранг,
Тун қўйнида ухлар узоқлик.

Ғарқ тилсимлар қаърига жаҳон,
Эшитилмас шовқинлар саси.
Ташланади менга ногаҳон,
Сукунатнинг ваҳший шарпаси!

Олам ва инсон туйғуларининг яхлитлигини “тун, чирой, ранг, тилсим, шовқин ва сукунат” сўзлари орқали саккиз мисрада яхлит бир фикр остида жамлаб, бетакрор бир манзара яратиш шоир истеъдодининг намоён бўлишидир.

Шоирнинг яна бир саккизлиги дунё яралгандан бери инсоний муносабатларнинг энг оғир, энг жароҳатли, энг изтиробли кечмиши саналган хиёнат ҳақида.

Тўлиб йиллар оқшом бечора,
Кутаролмай қуегин бошини.
У еулларга бедди ёлвора:
“Билсин қуёш тўққан ёшимни!!!”

Соғингандан жиққа ҳўлмиз деб,
Гуллар ҳар тоне сўзага очар лаб.
Шўрлик туннинг ёшлари билан
Ишонтирар қуёшни алдаб!

тини вақт ва замонларнинг долғали чиғирқларидан омон олиб ўтадиган бир мавзу борки, бу муҳаббат мавзусидир.

Назар Шукурнинг инсон қалби ва ундаги минг бир алвон туйғуларининг минг бир товланишларини азоб ва изтироб, умид ва ишонч, ўтинч ва истиффор мулки аро олиб ўтадиган шеърлари — севган ва севилган юракларнинг мангу порлоқ маёғи бўлиб қолади.

*Бир тош кўрсанг йўл ўртасида,
Тепиб ўтма, ёр, қилиб ҳазар.
Сени кутиб оёқ остида
Ётар тошга айланиб Назар.*

*Топмас эди шеърларинг сайқал,
Ёр, бермасанг ишқинг байбег.
Сенга тиклаб сўзлардан ҳайқал,
Имзо чекдим “Назар Шукур” деб.*

*Сени кўздай асрамоқ учун
Жисми билан интилиб нуруз,
Гурдиндаги нарсалар бугун
Айлангандир Назар Шукурга!*

Адабиётшунос Қозоқбой Йўлдошнинг қуйидаги эътирофлари ҳам фикр ва қарашларимизга монелик қилмайди: “Шеърят бу... эътироф ё исён, ё тарсаки, ё ўпичдир”, — дейди Расул Ҳамзатов. Шоирнинг туйғулари қандай руҳий ҳолатга дуч келишига қараб тимимсиз ўзгариб туради. Айни бир нарса-ҳодиса айни бир иждоқорга ҳаётининг турли дамлариди тамомила турлича таъбир қилиши мумкин. Чунки иждоқор олам ва унинг ҳодисаларини, биринчи навбатда, сезимлари орқали идрок этади. Инсоннинг ҳиссиётига эса нотурғунлик ҳосилдор. Шунинг учун ҳам одамнинг бир замоналар жондан кечиб талпинган нарсасидан, вақтлар ўтиб, зада бўлиши мумкинлиги табиий ҳолдир. Шу маънода Назар Шукурнинг “Кенглик” деб аталмиш шеърдаги:

*Кенглик!
Бағринг тўрт девордай тор,
Вужудимга борялсан ботиб.
Сигмайлман мен сенга зинҳор,
Тол тағида ёрни йўқотиб, —*

мисраларини мантқиқсизлик, ўзини инкор этиш деб эмас, балки “Тол тағида ёрни йўқотган, нафақат кенглик, балки бутун дунёга сигмай кетаётган ошиқ йигит ҳолатининг теран ифодаси сифатида қабул қилиш тўғри бўлади”.

Шоирнинг йирик асар — “Най” достони ҳали тўлиқ ўранилмаган. Урушнинг инсоният қавми учун битмас-туганмас оғир оқибатлар тўғрисида, нафақат иқтисодий таназзул, балки миллатлар тотувлиги бузилиши, меҳр-муҳаббат ришталарининг узиллиши, она замин тўлғоқларининг даҳшатли фарёдлари акс этганки, оғоҳлик кўнғироғи десак янглишмаймиз.

Назар Шукур шеърляти — ўзи бир пайтлар башорат этгандек тилсим қаъридаги унутиш ва унутулишдан холи — безавол овоздир. Минг афсусли, у ҳаётни жуда эрта — 31 ёшида тарк этди. Бу унинг қисмати экан. Аммо у зоқроқ ашақиди эдими, шаксиз ўзбек шеърляти яна қанча бетакрор шеърлар, достонлар билан бойиган бўлар эди.

Аммо кўнгил билан яшайдиган, кўнгил туйғуларини муқаддас ва муқаррам биладиган кўнгил соҳиблари бор экан, Назар Шукур шеърляти ҳам яшашда давом этади.

Темирғўлат ТИЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ҲАМ ЧЕГАР▲СИ БОР!

1-6

Зеро, жаннат ана шундай аёллар оёғи остидадир, иншооллох.

Ҳозирда дунёдаги айрим мамлакатлардаги каби оила деган мўъжаз-муқаддас ватан таназзулга юз тутмаслиги, болалар етим қолмаслиги, миллатнинг ўзлиги емирилиб кетмаслиги учун вафо, садоқат, ҳаё, андишада намуна кўрсатадиган аёл-онадан бошқа ким бор?!

Шукрим, халқимиз моголар, боболар юзини ёруғ, мартабасини улуг, дастурхонини тўкин, миллату элатларо қадрини биладиган этган қадриятлар, урф-одатларни чуқур англайди, уларга амал қилади. Ижтимоий тармоқларда намойиш этилган уша суҳбатдаги фахш, бузуқликни тарғиб этганларга билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳам буни далиллаб турибди. Дарғазаблик, ҳис-ҳаяжон, жаҳл, нафрат билан айтилган гапларда уй-гоқ қалблар, миллат генофонди тоза ва ахлоқи юксак бўлиши қайғусида урган юраклар овози, нафаси бор. Аммо андишасизлар, бадниятлар, жамиятни ўзининг маишатхонасига айлантиришга қасд этганлар бизнинг ҳар қанча куйиб-ёнганларимизни "бузоқнинг ююргани сомонхонагача" тарзида қабул этсалар керак. Чунки олов бир ловулагани каби фикр-мулоҳазалар ўт олади, вақт ўтади, олов пасаяди, ўчади, унутилади. Тамом. Лекин улар эккан зарарли уруғлар қаерларгадир қадалиб қолади...

Бундан ярим йиллар олдин хорижлик бир Жданов деганлари ижтимоий тармоқда ўзбек аёлларининг бугунги аҳволини ўзича ўрганиб, таҳлил қилиб: "Ўзбекистонлик аёллар ҳалиям феодал даврдаги хотин-қизлар каби яшайди. Эркинлиги йўқ", — деб хулоса чиқаради. Унга ўхшаганлар-ку, бир четда яшайдиган қимсалар дейлик, аммо... "Ўзимдан чиққан балога қайга бораёй давога?" дегандек, Бахтиёр Алимджанов деган тарихчининг Европа, Америкада ўқиб келган, бир неча тилларни билладиган, билимли, кийимлари ҳам замонавий бўлган қизларни ҳаё, иб, шаънини асрагани учун "замондан орқада қолган" деган итдаоси, бундай қизларни "сени ҳеч ким хохламаган" деб ҳақорат қилиши, "Ҳақиқий қизлар ҳақиқий эгоист (худбин) бўлади", "Ҳозирги ёшлар айнан ҳозир роҳатланишга ҳаракат қилиши керак. Эртанги кунни уйламанг. Ҳозир роҳатланиб қолмасангиз, 40 ёшга кирганда фарзандингизга нимани гапириб берасиз?", "Бунинг учун фақат билим олиш ечим эмас. Чет элда ўқиш

учун грант олиб, у ёқларни қўриб келиш керак. Шундай талабаларни биламанки, улар чет элда йиллаб ўқийдилар"; "Ҳақиқий қиз бола ота-онасининг уйламайдиган, мен шундай қизларни ҳурмат қиламан" қабилидаги тарғибот-ташвиқотлари ждановларнинг тегиригига астойдил сув куйиш эмасми? Энг ёмони, бундай фикрлаётганлар бизга қулоқ соладими, фикрини ўйлаб кўрадими? Мисол учун, Тошкент давлат шарқшунослик университетида тарих фанидан дарс берадиган Бахтиёр Алимджанов қай биримизнинг олдимизга келиб: "Сенинг гапингни эшитдим (ўқидим), кел, биргалишиб мулоҳаза қилиб кўрайлик. Балки сен, балки мен адашгандирман, шуни аниқлаб олайлик", — дейдими? Йўқ, фикримизча, у тарихчи ҳозир ўзининг назарида янаям машҳур бўлиб олганга хурсанд, "Бу ҳам ўтиб кетади", — деб, янги "маърузаси"ни ўйлаётган бўлса, ажабмас.

"Битта ... улоқ бутун подани булгайди". Бахтиёрнинг ташқи ва ички қиёфаси жамоатчиликни қанчалар ҳайратта, ташвишга, ғазабга солган бўлса, унинг ёнида ўтирган қизларнинг бепарда гапларни оддий суҳбат каби қабул қилиши, уларнинг муносабатлари ва кўзларидаги ҳамфикрлик ундан-да оғир, аянчли ҳолат. Постларни кузатаркансан, беихтиёр Гоголнинг "Ревизор" комедияси, ёдга тушади. Ёлгончи, хийлагар, лўттибоз, хотин-

боз Хлестаковнинг олифтаргарчиликларига аёллар мафтуну маҳлиё бўлиб қолган, шундан чув тушган эдилар.

Бир ота-онанинг не умидлар, не қийинчиликлар билан ўстирган гудек қизи ишратпарастлар, хотинбозлар, ҳаром-ҳариш пултопарлар қўлида ўйинчок, кўнгилихуши, эрмак бўлиб, охири-оқибат хору зорликка дучор бўлишини ўйлагин, ёмон хаёлга боргинг ҳам келмайди-ю, ўлганнинг устига чиқиб телган каби Алимджанов: "Жамиятда ҳамма эътиборни қизларга қаратиш керак. Уларнинг ҳаммасини олий ўқув даргоҳларига қабул қилиш керак. Шунда иқтисодиёт юксалади", — дея жиз-биз қилади. Ҳа, яшашдан мақсад қандай қилиб бўлмасин, ўзининг хурсанд қилиш, кўнглинг истаган кўчага юриш, бугунинг билан яша, эртани ўйлама, деган даъвосининг чораси сифатида жамиятнинг иқтисодий юкини қиз-аёллар елкасида кўрмоқчимиз бу? ...ни, тўғриси, ким деб аташни билмайман.

Шу боис жамиятнинг энг муҳим эҳтиёж, талабларини келиб чиқиб қонунлар ишлаб чиқадиган ва қабул қилладиган депутатларга, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакилларига саволларимиз бор: порнографик расмларни тарқатиш, киши шахсиятини ҳақорат қилиш, сўкиш каби қилмишларга нисбатан ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан қонунчилиги-

мизга кўра иш очилади, чора кўрилади. Токи бундай номаъқулчилик қайта такрорланмасин. Холис айтсак, ўзини тарихчи деб билладиган бу қимсаннинг гаплари порнографик суратлардан ҳам ифлосроқ, хавфлироқ, зарарлироқ эмасми? Одамларни ўғрилик, ҳужжатларни қалбакилаштириш, ўзаро низо чиқариш каби нотўғри ишларга ўргатувчи, бошловчиларга нисбатан ҳам чора кўрилади-ку! Назаримизда, Алимджановнинг тарғиботи, чорловлари даражаси, хавфи, оқибатлари бу ноқўя қилмишлардан бир неча баробар ортқ ва мудхишроқ! Ўзининг келажигани билим, ҳунар билан яратиш, халқу Ватанга сидқидилдан хизмат қилиш мақсадида ўқиб, изланиб, ўрганиб юрган қизларимизни "замондан орқада қолган" деб камситиш уларга нисбатан туҳмат эмасми? Бундай ташвиқотлар ёш, тажрибасиз фарзандларимиз қалбига ўрмалаб кириб, миллийлигимиз, жамиятимиз ўзлиги, маънавий дарахларни илдизларини қурт бўлиб кемирмайдими?

Алимджанов бир постида одамларни бағрикенг бўлишга чақиради. Тўғриси, ўзига нисбатан бағрикенгликка чорлайди. Қандай фикрдасиз? Ёки яна бағрикенглик қиламизми? Қачонгача?

Мухтарома УЛУҒОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Айни муборак кунларда, Рамазон ойи, Наврўз айёми шукуҳи дилларимизни янада нурафшон этаятган дамларда, очиги, ўзимиз ҳам истамаган юқоридаги мақолани эълон қилишни лозим топдик. Негаки...

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг 22 декабрь куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йўғилишида ҳамда жорий йил январь ойида бўлиб ўтган Хавфсизлик кенгашининг йўғилишида маънавий таҳдидлар, ёт ва бузғунчи ғояларни халқимизга, айниқса, ёшлар онгига сингдиришга уринаётган кучларнинг ҳар қачонгидан фаоллашиб бораётганини таъкидлаб, шу боис биринчи навбатда юрт зиёлиларини ҳамisha огоҳ бўлишга ундаганлари бежиз эмас экан.

Юқоридаги куюнчак мулоҳазаларни қаламга олган муаллиф — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Мухтарома Улугованинг ўзи гарчи Республика Маънавият ва маърифат марказида фаолият юртайётган бўлса-да, биз неча ушбу мақолани айнан Маънавият ва маърифат маркази, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Бош прокуратура диққатига қаратган ҳолда ҳавола этишни лозим топдик?

Чунки бу сингари чиқишлар билан миллатимиз шаъни, ор-но-

муси, муқаддас қадриятларимизни ҳам оёғи ости этиб, хотин-қизларнинг пок номларини, ифратини ёр билан битта қилишга уриниш, бузуқлик ва фасоҳатнинг очикдан-очик тарғиботи мақсад қилиб олинганга ўхшайди. Шу сабаб бундай ғаразғўйликларга Маънавият ва маърифат маркази, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси ва унинг жойлардаги бўлимлари, Ёшлар ишлари агентлиги, маҳаллалар, барча-барча юртдошларимиз бефарқ бўлмайди, деб ишонгимиз келади.

Ўз-ўзидан аёнки, минг-минглаб таълим олаётган ёш, дилбар қизларимиз эртаси, ёруғ келажиги учун Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги мутасаддилари ҳам бу янгилиқ қабиҳ тарғиботларга лоқайд қарашлари мумкин эмас.

Қачонки, нопок ғояларга қатъий жазо қўлланмай, бундай ҳолатлар ҳаспўшланар экан, оқибати миллатимиз келажиги учун ўта аянчли бўлиш эҳтимоли йўқ эмас. Тўғри, сўз эркинлиги устувор жамиятда яшаймиз. Аммо бу Бахтиёр Алимджанов ва унинг ёнидаги ҳамсуҳбатларига сўз орқали миллат ўзлигига тош отишига ҳеч қандай ҳуқуқ бермайди.

Ақиснча, "Оммавий маданият"га ундовчи фикрлар Бош Қомиссия ва қонунларимиз билан таъқиқланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, таҳририят мақолада кўтарилган масалага тегишли мутасаддилардан жавоб кутади.

✓ ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

ОИЛАНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ...

УНИНГ ҲИМОЯЧИСИ ЎЛГИЗ ЎЗИНГИЗ!

Ёшлик — навқирон фасл. Талабалик, ўйин-кулги, гам-ташвишдан йироқ дамлар. Ота-онам менинг таҳсил олишим учун деярли барча нарсаларни муҳайё қилиб қўйган. Синглим иккимиз ҳам буй этиб қолганимизга қарамай, онам эрта сахар туриб, ҳовли сатғи, дарвозахона ва йўлақларни чинидай супуриб-сидириб, нонуштани тайёрлаб, бизни уй-ғотарди.

Дугонамининг тўйида бир йигит билан танишиб қолдим. Кейинчалик билан дўстлашдик. Орадан вақт ўтиб, дўстлигимиз кўнгил ишига айланди. Биз ҳам оила қурдик.



Оила тутиш мен тасаввур қилганчалик осон иш эмас экан. Қутилмаганда ҳаёт шундай "совға"ларни тақдим этарканки, етти ухлаб тушинга ҳам кирмайди. Ота-онам бизнинг қийналмаслигимиз учун қанчалик ҳаракат қилганлигини кеч англаб етдим. Улар биз учун ҳамма шариотни бекаму кўст муҳайё қилган. Аммо келин бўлиб тушган хонадонимда муҳит умуман бошқача эди. Ҳар куни картошка палов. Музлаткичи очавериб қийналиб кетардим. Биламан, ичиде ҳеч вақо йўқ. Базъан ота уйимга қайтиб кетгиларим келарди. Онамга айтсам: "Сабр қил, ҳаммаси яхши бўлади. Агар қийналмасанг, оила — оила эмас. Дастлаб бизнинг ҳам ҳеч нарсамиз бўлмаган. Яхшилаб ўйлаб кўр. "Чиққан қиз чиғирикдан ташқарида", деган машойихлар. Бу гапларингни отанг эшитса, нима бўлади? Кўнгил қўйиб оила қургансан. Уртага совуқлик тушади, ўзинг кириб-чиқадиган эшигингни қаттиқ ёпма", деб тергадилар. Аслида, онамининг гаплари тўғри экан.

Қийналиб юрган кунларимнинг бирида кредитга тикув машинаси олиш хаёлимга келиб қолди. Аммо қандай оламан? Яна ойижонимга маслаҳат солдим. "Нима қиласан машинани? Тиқиш қўлингдан келармикан? Уйда қўлингга нина ушламаган қизсан", дедилар. Мен эплашимни айтдим. "Унда оламан", дедилар.

Бир ҳафтадан сўнг тикув машинали бўлдим. Хотин-қизларнинг бежирим қўйлақларини тика бошладим. Дастлаб 4-5 та тикиб, савдо билан шуғулланадиган дугонаманг илтимос қилдим, сотиб берди. Харидорларим қўла яна бошлади. Сотилган қўйлақлардан иккитасининг пулига яна мато олиб, қолганини рўзгорга ишлатдик.

Оилада хўжайинимдан бўлак ҳеч ким ишламасди. Зора ёрдам бўлар, деган умидда ғайрат билан қўйлақ тикишга киришдик. Вақти келиб, савдогарларнинг ўзлари менга буюртма берадиган бўлишди. Ойижоним ҳам қараб турмадилар. Хуллас, иш қўлайди. Даромад ҳам шунга яраша. Қўчамиздаги уқувли аёлларни ҳам бу ишга жалб этдим. Улар ҳам ишли бўлганидан хурсанд.

Бошида роса қийналдик. Машаққатсиз бирор нимага эришиш мушкуллигини ҳис қилдим. Уч ой деганда яхшигина даромадга чиқиб олдик. Оиламизнинг моддий аҳволи аввалгига нисбатан анча яхшиланди.

Қайнукаларимни ҳам меҳнатга ўргатдим. Ҳар кунги картошка паловимиз ошга, турли-туман ноз-неъматга айланиб, дастурхонимизга файз кирди. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилдик. Уринишларимиз самара берди: хонадонимизда тикув цехи очдик. Ишсиз хотин-қизларни тикувчиликка жалб қилдик.

Ўйлаб қарасам, ўшанда ҳаётимнинг пароканда бўлишига бир баҳя қолган экан. "Жаҳл қилганда жавоб, хурсанд бўлганда ваъдалар берманг, тушкунликка тушганда эса қарор қабул қилманг" деб бежиз айтишмаган экан.

Оиладаги барча келишмовчиликлар қўпинча йўқчиликдан келиб чиқади. Бошида турмуш ўртоғим билан жудаям кўп жанжаллашардик. Иймоннинг кучини синаш учун энг катта имтиҳон — бу тилни тийиш экан. Буларни кеч англадим.

Ҳаммаси яхши бўлади, деб ўзингизни овуتمانг, сиз ҳаракат қилмагунингизча ҳеч нарса яхши бўлмайди. Муҳими, ҳаракат, ишонч, бахт, бир-бирига бўлган муҳаббат туйғулари бўлмаса, оила пароканда бўлади. Мен ҳам ҳаракат қилмаганимда, онамининг гапларига қулоқ солмаганимда, оиланинг муқаддас кўрғон эканлигини тушуниш у ёқда турсин, англай олмасдим ҳам...

Базъан етишмовчилик сабаб кимнингдир оиласи бузилганини эшитсам, шулар кўз ўнгимдан ўтади.

Онажоним айтган ана шу гапларни такрорлагим келади...

Хуришда АБДУСАТТАРОВА,
ЎЗЖОКУ талабаси.

✓ ҚУТЛОВ

Biznesni Rivojlantirish Banki

NAVRO'Z muborak bo'lsin!

AVTOKREDIT

- Avtomobil qiymatining 85%gacha ajratiladi
- Kredit muddati 5 yilgacha
- Kredit foizi yillik 23%dan boshlanadi

1254

Хизматлар лицензия асосида.

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Маъзилмиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz



Муассис:
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Адади: 4 006
Буюртма — Г-344

Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нарҳда

Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 22³⁰
1 2 3 4 5 6



Обуна индекси:
якка
обуначилар ва
ташкilotлар
учун — 233

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёлғоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: И.Асилбеков, Мусафҳиҳ: З.Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.